Озод РАЖАБОВ: Ахборот технологиялари бугун тўхтов ва чегара нималигини буткул унутиб қўйди. 13-бет




3 (1321)-son 19-yanvar 2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz


## УШБУ СОНДА:


СОҲА КАСАБА УЮШМАЛАРИ
2018 йилда ички сайёҳликни ривожлантириш ва ёшларга эътиборни кучайтиради **2-бет**

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ТИМСОЛИ
Марказий Осиёдаги ягона ихтисослашган ҳарбий қисмда байрам тадбири ташкил этилди **3-бет**

IUT и АО "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ"
будут стимулировать молодых изобретателей и рационализаторов **6-бет**

ТЕХНОЛОГИЯЛАР
Google дисплейни спикерга айлантирувчи технологияни қўлга киритди **12-бет**

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?
Январ ойида бир қатор қонунлар қабул қилинди **14-бет**

ТОП-5
2017 йилнинг энг хавфли вируслари **16-бет**





# КИБЕР-БУЗҒУНЧИЛАР УЧУН ЖОЗИБАДОР СОҲА

## Молиявий секторда ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоралари

4-5-бетлар.






# АНАЛОГ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ "СЎНГГИ БАҲОРИ"

## ёхуд миллий ва ажнабий рақамли экспансиянинг фарқи нимада?

Бу йил мамлакатимиз телевидениеси ҳаётида туб бурилиш ясалади – 62 йиллик тарихий йўлни босиб ўтган, ўз технологик ривожланиш имкониятларини батамом сарфлаб бўлган аналог телевидение ўз ўрнини рақамлисига тўлиқ бўшатиб беради. Декабр ойида сўнгги аналог узатгичлар ўчирилиши билан Ўзбекистон рақамли телевидениега узил-кесил ўтган давлатлар қаторига қўшилади.

Хўш, бу нимани англатади. Ҳукумат-ку ўз вазифасини бажарди: рақамли қоплаш уддаланиб, мана энди аналог узатгичлар бирин-кетин ўчирила бошланди (15 январда Фарғона водийси ва Тошкент вилоятидан бошланди). Халқимиз бунга қанчалик тайёр? Ҳар ҳолда ҳамманинг ҳам уйида сўнгги русумдаги корейс ва япон телевизорлари ёинки ТВ-тюнерлар бўлмаса керак. Шаҳарликлар-ку майли, "кабел"га уланиб кўришаверади, аммо чекка-чекқаларда оддий антеннада икки-учта каналнi зўр-базўр тутиб кўриб юрганлар-чи? Улар боридан ҳам айрилишадими ё илгари ўзлари тасаввур ҳам қилмаган техника мўъжизаларидан баҳраманд бўлишадими?

Бу саволларимизга "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси бўлим бошлиғи Жавлон ИСАЕВдан жавоб олдик.

7-бет.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# ТАТУда ИНТЕГРАЛЛАШГАН ТАЪЛИМ АХБОРОТ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида университет ректори ва KOICAнинг Ўзбекистондаги офиси раҳбари томонидан 2018-2021 йилларда амалга оширилиши режалаштирилаётган қиймати 3 млн. АҚШ долларилик "ТАТУда интеграллашган таълим ахборот тизимини жорий қилиш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича муҳокама баённомаси имзоланди.

Лойиҳа концепциясида кўрсатилган "e-learning" ва "e-library" компонентларини нафақат ТАТУ ахборот-ресурс маркази ва ўқув жараёнига, балки Ўзбекистоннинг барча олий таълим муассасаларида жорий



қилиш бўйича стратегик режа ишлаб чиқилган.

KOICA ва ТАТУ мутахассисларининг ҳамкорлиги доирасида ишлаб чиқилган ушбу лойиҳа икки қисмдан иборат:

1. Техник воситалар билан таъминлаш.

2. "Ўқув жараёнини ташкил этиш" ва "Электрон кутубхона" тизимларини яратиш, ривожлантириш ва жорий қилиш.

Лойиҳадан қуйидаги натижалар кутиляпти:

- Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Самарқанд филиали моддий-техник базасини ривожлантириш;
- "Ўқув жараёнини ташкил этиш" ва "Электрон кутубхона" интеграллашган тизимларини жорий қилиш;
- Ишлаб чиқилган тизимларни ТАТУда синовдан ўтказиб, орттирилган тажриба асосида Ўзбекистоннинг барча ОТМларига жорий қилиш дастурини яратиш.

## Жумадан жумагача

**Шу йилнинг 10 январ куни Ҳайратон шаҳрида (Афғонистон Ислом Республикаси) Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан 25 автобус, 3 трактор ва тиркама техника Афғонистон халқига ҳадя қилинишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон расмий делегацияси аъзолари, Афғонистон Президенти маъмурияти ва ҳукумати, ушбу мамлакат жамоатчилиги ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.**

11 январ куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари фаолияти таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 16 январ куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Сун Лицзени қабул қилди. Давлатимиз раҳбари Хитой элчисининг ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, Сун Лицзега Ватанимизнинг юксак давлат мукофоти – "Дўстлик" орденини топширди.**

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 17 январ куни Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда бюджет ва инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш, молиялаштириш базасини кенгайтириш, солиқ имтиёзлари тизимини такомиллаштириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

**17 январ куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тайёргарлик ишларини самарали олиб бориш ва ушбу санани ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги ва "Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари чоп этилди.

# СОҲА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

## 2018 йилда ички сайёҳликни ривожлантириш ва ёшларга эътиборни кучайтиради





Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги IV мажлиси ва Раёсат йиғилиши видеоселектор тизими орқали ўтказилди. Таҳлилий ва танқидий тарзда ўтган йиғилишни Республика кенгаши раиси А.Ишанходжаев олиб борди.

*Республика кенгаши таркибида 202та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти бўлиб, аъзолар сони 63238 нафарни, уларнинг 30252 нафарини ёшлар ва 19581 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади*

Дастлаб Республика кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва бу тўғридаги қарор тасдиқланди. Шундан сўнг Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши фаолиятининг 2017 йил якунлари ҳамда 2018 йилнинг устувор вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда кенгаш раиси А.Ишанходжаев ахборот берди. Ахборотчи касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан амалга оширилган ижобий ишлар қаторида йўл қўйилган камчиликларга батафсил тўхталди. Жумладан, ўтган йили касаба уюшмаси қўмитаси томонидан назорат олиб борилмаганлиги натижасида аъзолик бадал пулларидан қарздорликка йўл қўйилган. Мисол учун, 2017 йилнинг 1 декабр ҳолатига аъзолик бадалларидан қарздорлик "Ўзбекистон почтаси" АЖ филиаллари бўйича 99 млн. сўм, "Ўзбектелеком" АК филиаллари бўйича 131 млн., жами 230 млн. сўмни ташкил қилди. АТ "Алоқабанк" Бухоро, Навоий, Фарғона филиаллари, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали томонидан ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишлари умуман ташкил этилмаган.

"Ўзбектелеком" АК Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Қашқадарё ва "ТШТТ" филиалларида ҳамда "ЎзИ" ҚК "ЎзИ-Қарши" филиалида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар рўй берган. 2016 йили учта бахтсиз ҳодиса қайд этилган бўлса, 2017 йили бундай нохуш ҳолатлар сони еттитага етди. Бу корхоналарда касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тадбирларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги, меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва жамоат текширувининг сусайтириб юборилганини кўрсатади.

*2017 йилда соҳа тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига жами 2 млрд. 550 млн. сўм маблағ сарфланди*

Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари корхоналар маъмуриятлари ҳамда бошланғич ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонунийликни таъминлаш асосида ижтимоий-меҳнат соҳасига оид қонунлар ижро этилиши устидан касаба уюшмаларининг жамоат назоратини шакллантириш ишлари талаб даражасида олиб борилмаган.

Видеоселектор йиғилишида ҳудудлардаги касаба уюшмаси ташкилотлари масъуллари билан мулоқот ўтказилди. Ишни тизимли ва самарали йўлга қўйиш бўйича уларнинг таклиф ва тавсиялари тингланди.

Кенгаш йиғилишида ҳар чорак якунида танлов асосида камида иккита Республика кенгаши тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раисининг ҳисоботини Раёсат йиғилишида эшитиш тизимини йўлга қўйиш, ходимлар, айниқса, меҳнат низолари комиссияси аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш, соҳа йўналиши бўйича нодавлат секторда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларини касаба уюшмаси аъзолигига жалб этиш каби вазифалар белгилаб олинди. Раёсат йиғилишида Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Ёшлар бирлашмасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди ва мазкур бирлашмани ташкил этиш учун таъсис Конферецияси 2018 йил феврал ойининг иккинчи декадасида Самарқанд шаҳрида ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда, шунингдек, Республика кенгаши аппаратининг 2018 йил I ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси ва Кенгаш Раёсатининг 2017 йилнинг 27 июлидан 2018 йилнинг 12 январигача бўлган муддатда қабул қилган қарорлари тасдиқланди.

Республика кенгаши 2018 йилда мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришда иш берувчиларга яқиндан кўмак бериш ва ёшларни қўллаб-қувватлайдиган Ёшлар бирлашмасини ташкил этиш сингари улкан ишларни амалга оширишга маҳкам бел боғлаган. Бу хайрли ишларда касаба уюшмалари ташкилотларига омад тилаймиз.

**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ**

# UMSнинг 712 НАФАР ХОДИМИ

## Жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадиган бўлди

2018 йилнинг 11 январ куни "Universal Mobile Systems" МЧЖда жамоа шартномасининг муҳокамасига бағишланган умумий конференция ўтказилди. Унда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг масъул ходимлари қатнашди.



Йирик ташкилотлардан саналган "Universal Mobile Systems" МЧЖ меҳнат жамоаси аъзолари ўртасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда ўтказилган тақдимотлар натижасида жамиятнинг бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тузилди. Республика кенгашининг масъул ходимлари томонидан бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасига амалдаги Бош ва Тармоқ келишувлари асосида жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Бошланғич касаба уюшмаси тузилган даврда касаба уюшмасига аъзо бўлганлар сони оз эди. Касаба уюшмаларига бўлган ишончнинг ортиши эвазига яна 712 нафар ходим касаба уюшмасига аъзо бўлди. Уларнинг 124 нафари хотин-қизлар ва 225 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Конференцияда уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**

xabar.uz ► АКТ вазирлиги хориж тажрибасига эга мутахассисларни раҳбарлик лавозимларига таклиф қилмоқда.





# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ТИМСОЛИ

## Марказий Осиёдаги ягона ихтисослашган ҳарбий қисмда байрам тадбири ташкил этилди

***Махсус алоқа транспорт воситалари орасида "Ҳумо" жамланган радиостанциясининг алоҳида аҳамияти бор. Ушбу мобил радиостанция Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг қўмондонлик-штаб машинаси ҳисобланади. Бу машина нафақат телефон, балки юқори тезликдаги интернет ва видеоконференц алоқани таъминлашга ҳам қодир***

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармасида байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбирда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи Шерзод Шерматов, вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Дастлаб, бошқарма бошлиғи полковник Бекзод Аленов меҳмонларни ҳарбий қисм фаолияти билан таништирди.

Махсус авария-тиклаш бошқармаси авария-тиклаш ишларини олиб бориш жараёнида алоқа бошқарувини ташкил этиш, алоқа ва телекоммуникация объектларида авария-тиклаш ишларини амалга ошириш, алоқа объектларини қўриқлашни амалга оширади. Алоқа бошқарувини ташкил этишга ихтисослашган мазкур ҳарбий қисм Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

Бошқармада ўқув-машғулот жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Ушбу ҳарбий қисм мисолида мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир тезкор, замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган миллий армиямизни тасаввур қилиш мумкин.

Ҳарбийларнинг жанговор ва маънавий тайёргарлиги доимо юксак даражада бўлиши керак. Бунинг учун бошқармада тренажёр зали, спорт зал, сунъий қопламали футбол майдони, кутубхона, маънавият хонаси, мултимедиали тирдан отиш, умумқўшин тайёргарлик ўқув хонаси, тактик машғулотлар майдони бор.

Махсус лаборатория ҳам ташкил қилинган бўлиб, бу ерда бошқармага тегишли алоқа воситалари ишдан чиқса, шахсий таркиб мутахассислари томонидан тузатилади. Махсус алоқа транспорт воситаларини жиҳозлашда, янги техник ечимлар топишда шу лаборатория тажрибасидан унумли фойдаланилади.

Бошқарманинг махсус алоқа транспорт воситалари турлича, ҳаракатланувчи тезкор алоқа комплекс радиостанцияларидан тортиб, стратегик нуқталарда алоқани тезкор тиклашга кўмаклашувчи мобил лабораториягача мавжуд.

Махсус алоқа транспорт воситалари орасида "Ҳумо" жамланган радиостанциясининг алоҳида аҳамияти бор. Ушбу мобил радиостанция Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг қўмондонлик-штаб машинаси ҳисобланади. Бу машина нафақат телефон, балки юқори тезликдаги интернет ва видеоконференц алоқани таъминлашга ҳам қодир.

Тантанали тадбирда вазирлик буйруғига кўра, бир гуруҳ ҳарбийларга соҳа идоравий мукофотлари топширилди, шунингдек, байрам муносабати билан ҳарбий хизмат унвони олганлар, турли танловларда ғолиб бўлганлар мукофотланди. Алоҳида ўрнак кўрсатган офицер ва аскарларга ташаккурнома ва совғалар топширилди.

Тадбир маданий дастурларга уланиб кетди. Ҳарбий қисм таркибида бир йил аввал ташкил этилган оркестр ижрочиларининг куй ва қўшиқлари, таклиф этилган таниқли санъаткорларнинг ижролари тадбирга байрамона кайфият улашди.



**Л.ТУРСУНОВ**

# ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 январдаги фармонига асосан Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун бир гуруҳ ҳарбийлар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланишди. Улар сафида соҳа вакиллари ҳам бор. Жумладан, Махсус авария-тиклаш бошқармаси техника ва қурол-аслаҳа бўлими бошлиғи Николай Павлович ПРОКУДИН "Дўстлик" ордени билан ҳамда ушбу бошқарманинг тиббиёт пункти фельдшери Элзара Эргашевна ПАРДАЕВА "Шуҳрат" медали билан мукофотланишди.



# МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 26 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги буйруғига кўра, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари соҳа идоравий мукофотлари билан тақдирланишди.

Хусусан, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) бошлиғининг кадрлар бўйича ёрдамчиси — кадрлар бўлими бошлиғи в.в.б. капитан Вагиф Фикрат ўғли Гаджиев, мазкур бошқарманинг 1-авария-тиклаш ишлари маркази таъминот секцияси командири, кичик сержант Иззатулло Облоқул ўғли Давронов, бошқарманинг 1-авария-тиклаш маркази тиббиёт йўриқчиси, кичик сержант Жалолхон Жамолхонович Шукуров, Давлат фельдъегерлик хизмати катта инспектори, майор Маруфжон Маҳмуджонович Нишонов, ДФХ катта инспектори, майор Убайдулла Абдуманнапович Назаров, ДФХ фелдалоқа катта офицери, капитан Дилшод Асадуллаевич Маҳмудходжаев, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факултети "Тактика, умумқўшин тайёргарлиги ва гуманитар фанлар" кафедраси умумқўшин тайёргарлиги цикли бошлиғи — муҳандислик, кимёвий ва биологик ҳимоя хизмати бошлиғи, подполковник Мансур Сайфиддинович Тоштемировлар вазирликнинг "ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ" билан ҳамда Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошқарма бошлиғининг сафарбарлик захираларини сақлаш бўйича ёрдамчиси — ташкилий сафарбарлик бўлими бошлиғи в.в.б. подполковник Олег Салаватович Галиуллин, МАТБ мобил алоқа маркази тезкор жамланган "Жайрон" алоқа радиостанцияси бошлиғи, сержант Суннат Рустамович Наджимов, МАТБ алоқа объектларида ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди техник-ҳайдовчиси, оддий аскар Тимур Бахтиёрович Саидов, ДФХ фелдалоқа катта офицери, капитан Умиджон Ўткирович Аҳмедов, ДФХ Термиз шаҳар бўлинмасининг фелдалоқа катта офицери, капитан Мансур Равшанович Жовлиев, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факултети "Телекоммуникация" кафедраси бошлиғининг ўринбосари-катта ўқитувчиси, подполковник Нўмонжон Мелибоевич Холматов, ТАТУ "Ҳарбий" кафедраси техник тайёргарлик цикли бошлиғи-катта ўқитувчиси, подполковник Жовли Эштемирович Муҳаммадиевлар вазирликнинг "ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ" белгиси билан тақдирланишди.

***Мукофотлар қутлуғ бўлсин, азиз ҳарбийлар!***

# КИБЕРБУЗҒУНЧИЛАР

## Молиявий секторда ахборот

Молиявий тузилмаларнинг бевосита пул билан боғлиқ фаолияти кибербузғунчилар учун, айниқса, жозибадор кўринади. Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мутахассислар масофавий банк хизматлари кўрсатишни ҳимоялашда катта муаммоларга дуч келмоқдалар. Турли муғомбирликлар, катта талафотлар етказувчи фрод (электрон тижоратдаги фирибгарлик) билан курашиш учун банк соҳасида қимматбаҳо тизимлардан фойдаланишга тўғри келяпти.

Ҳар бир киши ўзининг банкка тақдим қиладиган шахсий маълумотлари махфий бўлиб қолишидан манфаатдор. Шу сабабли, ушбу мақоламизда нафақат муаммолар таҳлил қилинади, балки банк фойдаланувчилари учун ҳам фойдали маслаҳатлар берилади.




### Жиноий манфаатлар юзага келганда...

Банклар пайдо бўлиши биланоқ жиноий манфаатлар ҳам юзага келган. Бу нафақат кредит ташкилотларида нақд пул сақланиши билан, балки кўпчилик одамлар, компаниялар, ташкилотлар ва ҳатто бутун бошли давлатларнинг муҳим ва махфий молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ маълумотлари тўпланиши билан ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда электрон тўловлар, пластик карталар, компютер тармоқларининг кенг тарқалиши натижасида бевосита ҳам банклар, ҳам банк мижозларининг пул маблағлари ахборот ҳуружларининг объектига айланмоқда. Пул ўғирлашга ҳар қандай ғаразли шахс уриниб кўриши мумкин — бунинг учун унда компютер ва интернет тармоғи бўлса бас. Бунда банк ичига жисмонан кириш ҳам шарт эмас, минглаб километр узоқликдаги масофадан ҳам кирдикор мақсадини амалга ошираверади.

### АҚШда банк муассасаларининг хакерлардан йиллик зарари 0,3дан 5 млрд. долларгача

Банклардаги маълумотлар ҳар доим турли қонунбузарларнинг диққат марказидаги объекти бўлиб келган. Автоматлаштирилган банк тизимлари бундай маълумотлар ўғирлаш учун яхшигина канал ҳисобланади.

1995 йилнинг август ойида Буюк Британияда 24 ёшли россиялик математик Владимир Левин ҳибсга олинди. У Петербургдаги ўз уй компютери ёрдамида Американинг йирик банкларидан бири "Citibank" тизимига киришни уддалаган ва унинг ҳисобрақамларидан катта миқдордаги пул маблағларини ечиб олишга уринган. "Citibank"нинг Москва шаҳридаги ваколатхонаси маълумот беришича, шу пайтгача бу иш ҳеч кимнинг қўлидан келмаган. "Citibank"нинг хавфсизлик хизмати банкдан $2,8 млн. ўғирлашга уриниш бўлганлиги, бироқ назорат қилувчи тизимлар буни аниқлаб, ҳисобрақамларни ёпиб қўйганлигини маълум қилади. Натижада фақатгина 400 минг АҚШ доллари ўғирланган.

АҚШда банк муассасаларининг компютер маълумотларидан ноқонуний фойдаланиши натижасида кўрган йиллик зарари, экспертлар баҳолашига кўра, 0,3дан 5 млрд. долларгачани ташкил қилади.

### Банк хавфсизлигини таъминлашда асосий нозик муаммо

Маълумот — бу банк хавфсизлигини таъминлашда асосий нозик муаммо. Шу сабаб, банклар ахборот хавфсизлигининг стратегияси бошқа компанияларникидан катта фарқ қилади. Бу, авваламбор, хавфларнинг специфик характери ҳамда мижозлар учун қулайлаштириш мақсадида ҳисобрақамларига киришни енгил қилиб қўйиши, банкларнинг ошкора фаолияти билан боғлиқ.

Оддий компания ўз ахборот хавфсизлигини потенциал хавфларнинг тор доирасидан келиб чиқиб, барпо этади: асосан маълумотнинг рақобатчилардан ҳимояси. Бундай маълумот фақат тор доирадаги манфаатдор шахслар ва ташкилотларгагина қизиқ бўлиб, камдан-кам ҳолатларда ликвидли бўлади, яъни пул шаклига ўтказилади.

**Банкнинг ахборот хавфсизлигида эса қуйидаги махсус омилларни ҳисобга олиш зарур:**

- Ҳақиқий пул маблағлари акс этувчи ва банк тизимларида сақланувчи ҳамда ишланувчи маълумот. Компютер маълумотларига асосан тўловлар амалга оширилиши, кредитлар очилиши, катта миқдордаги маблағлар ҳисобдан ҳисобга ўтказилиши мумкин. Ушбу маълумотлардан ноқонуний равишда фойдаланиш жиддий зарарларга олиб келиш мумкинлиги барчага аён. Бу хусусият банкларга нисбатан (масалан, ички маълумоти жуда кам шахсларга қизиқ бўлган саноат компанияларидан фарқли равишда) тажовуз қилувчи жиноятчилар доирасини шиддат билан кенгайтиради.
- Банк тизимларидаги маълумотлар кўп сонли одамлар ва ташкилотлар — мижозларнинг манфаатларини қамраб олади. Одатда, ушбу маълумотлар махфий бўлади ва банк ўз мижозлари олдида уларнинг талаб даражасидаги махфийлигини таъминлаш учун жавобгар бўлади. Мижозлар ҳам ўз банкига ишонишга ҳақли, акс ҳолда банк репутациясини, яъни обрўйини йўқотиши мумкин.

> ***Банкнинг рақобатбардошлиги мижозларга яратилган қулайлик, кўрсатилаётган хизматлар спектрининг кенглиги, масофадан хизматлар кўрсата олишига боғлиқ.***

- Банкнинг рақобатбардошлиги мижозларга яратилган қулайлик, кўрсатилаётган хизматлар спектрининг кенглиги, масофадан хизматлар кўрсата олишига боғлиқ. Мижоз ўз маблағларини тезкорлик билан бошқариш имкониятига эга бўлиши зарур. Бироқ бундай қулайлик банк тизимларига жиноятчиларнинг онлайн-ҳужуми эҳтимолини кучайтиради.
- Банкнинг ахборот хавфсизлиги компютер тизимларининг ишини ҳатто фавқулодда ҳолатларда ҳам юқори даражадаги ишончлилик билан таъминлаши зарур, чунки банк нафақат ўз маблағлари, балки мижозлар пуллари учун ҳам жавобгар ҳисобланади.

Афсуски, бугунги кунда ҳатто махфий маълумотлардан фойдаланишга оид ўта қатъий чоралар ҳам кибержиноятларнинг йўлини тўлиқ тўсиб қўя олмайди. Шунинг учун маълумотларни ҳимоялашнинг тизимли ёндашувида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун банк томонидан фойдаланилаётган воситалар ва ҳаракатлар (ташкилий, жисмоний дастурий-техник) ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бунда чораларнинг ягона комплекси ишлаб чиқилиши талаб этилади. Ушбу комплекс нафақат маълумотларни сақлашга, уларни тасодифий йўқ қилиш, ўзгартириш ёки ошкора қилишни олдини олишга ҳам йўналтирилган бўлиши зарур.

### Банкларда маълумотларга ишлов бериш автоматлаштирилган тизимларининг хавфсизлиги

Банкларда маълумотларга ишлов бериш автоматлаштирилган тизимлар фаолиятини қасддан бузиш муаммоси ҳозирги вақтда энг долзарблардан ҳисобланади десак, муболаға бўлмайди.

Маълумотларга кўра, молиявий ташкилотларнинг зарари йилига миллиардлаб долларни ташкил қилади.

Дастурий-техник муҳит хавфсизлигини таъминлашнинг бир нечта асосий усуллари мавжуд:

- Firewalls (брандмауэрлар). Ушбу усул банкнинг локал тармоғи ва бошқа тармоқлар орасида махсус оралиқ серверлар яратилишини назарда тутади, улар ўзларидан ўтказадиган маълумотлар оқимини (тармоқ/транспорт даражалари трафиги) назорат қилади, таҳлил қилади ва филтрлайди. Бу корпоратив тармоқларга ташқаридан ноқонуний кириш хавфини кескин пасайтиришга имкон беради, бироқ ушбу хавфни умуман бартараф қила олмайди.
- Proxy-servers. Ушбу усулда тармоқда маълумот узатиш қоидаларига қатъий чеклашлар киритилади: локал ва глобал тармоқлар орасидаги тармоқ/транспорт даражаларининг трафиги бутунлай тўхтатилади — маршрутизация мавжуд бўлмайди, локал тармоқдан глобал тармоққа мурожаатлар махсус оралиқ-серверлар орқали амалга оширилади.
- Виртуал хусусий тармоқларни (VPN) яратиш маълумотнинг махфийлигини самарали таъминлашга, уни ҳимоялашга имкон беради.
- Ноқонуний киришларни аниқловчи ва заифликларни қайд қилувчи тизимлар тармоқ хавфсизлигининг қўшимча даражасини яратади.

### Электрон тўловлар хавфсизлиги

Бугун банкларнинг аксарияти тўлов амалиётларини масофали амалга ошириш учун у ёки бу каналларга эга. "Тўловнома"ни модемли уланиш ёки ажратилган алоқа линиясидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри офисдан юбориш мумкин. Банк амалиётларини интернет орқали бажариш оддий ҳолат бўлиб қолди — интернетга уланган компютер ва банкда рўйхатдан ўтган электрон рақамли имзо калити бўлса етарли.

Банк томонидан масофали хизмат кўрсатиш хусусий биз-



**"Ўзбектелеком" АК олий таълим муассасалари учун 50 фоизгача имтиёзли нархларда интернет тарифи ишлаб чиқди.**



# УЧУН ЖОЗИБАДОР СОҲА
## хавфсизлигини таъминлаш чоралари

неснинг самарадорлигини оширишга имкон беради. Бунда қуйидагилар таъминланади:

● вақтни иқтисод қилиш (банкка шахсан келиб ўтирмай, тўловни ҳар қандай вақтда амалга ошириш мумкин);

● ишнинг қулайлиги (барча амалиётлар одатий иш ҳолатида компютердан амалга оширилади);

● тўловларга ишлов беришнинг юқори тезлиги;

● ҳужжатга ишлов бериш жараёнида ҳужжат ҳолатини мониторинг қила олиш имкони;

● ҳисобрақамларда пул маблағларининг ҳаракатлари ҳақида маълумотларни олиш.

Бироқ, яққол афзалликларга қарамасдан, электрон тўловлар бизда унчалик оммалашмаган, чунки банк мижозларининг уларнинг ҳимояланганлигига ишончи тўлиқ комил эмас. Бу, аввалambор, компютер тармоқларини қандайдир хакер осонлик билан "бузиши" мумкин деган фикр билан боғлиқ. Бу фикр инсонларнинг онгига мустаҳкам ўрнашиб олган. Веб-сайтларга уюштирилаётган ҳужумлар ҳақида ОАВларда мунтазам хабарлар бериб борилиши одамларнинг юқоридаги фикрини янада мустаҳкамламоқда. Аммо замон ўзгариб боряпти ва электрон алоқа воситалари эртами-кечми ҳаётимизни тўлиқ қамраб олади.

Электрон рақамли имзо (ЭРИ) – хавфсизлик кафолати. Банк ва мижоз ўртасида тузилган намунавий шартномага мувофиқ электрон ҳужжат остида ваколатли шахсларнинг рўйхатга олинган электрон рақамли имзоларининг мавжудлиги мижознинг ҳисобрақамларида амалиётларни амалга ошириш учун етарли асос ҳисобланади.

Ҳар бир электрон рақамли имзо калити ваколатли шахснинг ўз қўли билан қўйилган имзонинг аналоги ҳисобланади. Агар ташкилотда қоғоздаги "тўловномаларни" одатда бошлиқ ва бош ҳисобчи имзолашса, электрон тизимда ҳам шу тартибни сақлаб қолиш мумкин ва уларга алоҳида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

ЭРИ калити икки қисмдан иборат бўлади – ёпиқ ва очиқ. Очиқ калит эгаси томонидан генерация қилинганидан сўнг тасдиқловчи марказга тақдим этилади, унинг вазифасини одатда банк бажаради. Шундай қилиб, ЭРИ сертификати шаклланади, уни банк электрон тўловлар тизимларида рўйхатга олиш зарур бўлади.

ЭРИ ёпиқ калити (махфий калит) унинг эгаси томонидан ҳеч бир ҳолатда бошқа шахсларга берилиши керак эмас. Агар ушбу калит қисқа вақтга бўлса-да бошқа шахсга берилган ёки бирон жойда қаровсиз қолдирилган бўлса, ушбу калитнинг ишончлилиги йўқолган (яъни, нусха кўчириш эҳтимоли ёки калитдан ноқонуний фойдаланиш) ҳисобланади. Бундай ҳолатда барча жавобгарлик калит эгаси зиммасига юкланади. ЭРИ калити эгасининг ҳаракатлари пластик карталар йўқолганда амалга ошириладиган пайтдагидек бўлиши зарур: калит эгаси хизмат кўрсатувчи банкка калит "ишончлилиги йўқолгани" тўғрисида хабар бериши лозим. Шунда банк ўз тўлов тизимида ушбу ЭРИнинг сертификатини блоклаб қўяди ва қонунбузар ўзининг ноқонуний топилмасидан фойдалана олмайди.

*Ҳар бир электрон рақамли имзо калити ваколатли шахснинг ўз қўли билан қўйилган имзонинг аналоги ҳисобланади.*

Бизнесда электрон тўловларни қўллаш анъанавий хизмат кўрсатишга нисбатан катта афзалликларга эга. Фақат бунда ЭРИ калитларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш бўйича тавсияларни мижоз ўз банкидан олиши ва унга риоя қилиши зарур. Шунда тўловларнинг ишончлилиги кафолатланади.

### Жисмоний шахсларнинг шахсий тўловлари хавфсизлиги

Хавфсизлик тизимларининг аксарияти жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари йўқолиши олдини олиш мақсадида фойдаланувчидан ўз шахсини тасдиқлашни талаб қилади. Фойдаланувчини идентификациялаш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

● у муайян бир маълумотни (махфий код, парол) билади;

● у муайян бир предметга эга (карточка, электрон калит, жетон);

● у шахсий хусусиятлар тўпламига эга (бармоқ излари, қўл панжаларининг шакли, овоз тембри, кўз қорачиғининг сурати ва ҳ.к.);

● у махсус калит қаердалигини ва ундан қандай фойдаланишни билади.

Биринчи усул муайян кодли кетма-кетликдаги шахсий идентификация рақамини (Personal identification number — PIN) теришни талаб этади.

Иккинчи усул фойдаланувчи томонидан идентификациялашнинг муайян махсус элементларини – нусхаланмайдиган электрон қурилма, карточка ёки жетондан ўқиб олинадиган кодларни тақдим қилишни талаб этади.

Учинчи усулда кириш вазифасини инсон шахсининг индивидуал ва физик хусусиятлари ўтайди. Ҳар қандай биометрик маҳсулотга таниб олишда қўлланиладиган тегишли тасвирлар ёки бошқа маълумотларни сақловчи катта ҳажмдаги маълумотлар базаси ҳамроҳлик қилади.

Тўртинчи усул ускунанинг ёқилиши ёки коммутация қилинишининг алоҳида тамойилини таклиф этади, бу унинг ишлашини таъминлайди (бу усулдан камдан-кам фойдаланилади).

Банк ишида иккинчи гуруҳдаги шахсни идентификациялаш воситалари кўпроқ тарқалган: аниқ бир предмет (карточка, электрон калит, жетон). Табиийки бундай калитдан фойдаланиш биринчи гуруҳдаги идентификациялаш воситалари ва усуллари билан ҳамжиҳатликда амалга оширилади: маълумотдан фойдаланиш (махфий код, парол).

### Идентификациялаш воситалари

**Пластик карталар.** Бугунги кунда дунёнинг турли давлатларида бир ярим миллиард атрофида карточкалар фойдаланишга чиқарилган. Улардан энг оммавийлари: Visa ва MasterCard кредит карточкалари; Eurocheque ва Posteheque халқаро чеклар; сайёҳатларга тўлаш учун American Express ва Diners Club карточалари.

**Магнит карточкалари.** Банк ишида идентификациялаш воситалари сифатида магнит полосали пластик карточкалари анчадан бери фойдаланилади (кўпчилик тизимлар оддий кредит карточкалардан фойдаланишга имкон беради). Маълумотни ўқиб олиш учун карточкани (магнит полоса томони билан) ридернинг (ўқиб олувчи) махсус туйнугидан ўтказиш зарур. Одатда ридерлар ташқи қурилма кўринишида ишланган бўлади ва компютернинг изчил ишлайдиган ёки универсал порти орқали уланади. Ридерлар, шунингдек, клавиатура билан бирлаштирилган ҳолда ҳам ишлаб чиқарилади.

Ушбу карталардан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳам мавжуд.

**Камчиликлар:**

● магнит карточка махсус ускуна ёрдамида осонлик билан нусхаланиши мумкин;

● кирланиш, магнит қатламига кичик механик таъсир;

● карта электромагнит майдонларининг кучли манбалари ён-атрофида бўлиши картанинг ишдан чиқишига олиб келади.

**Афзалликлар:**

● Бундай карталарни чиқариш ва улар орқали хизмат кўрсатиш харажатлари унчалик катта бўлмайди;

● магнит пластик карталар саноати охирги ўн йиллар давомида ривожланиб келган ва ҳозирги кунга келиб карталарнинг 90 фоизидан ортиғи — бу пластик карталардир;

● магнит карталарнинг қўлланиши фойдаланувчиларнинг катта миқдори ва карталарнинг тез алмашиб туриши билан ўзини оқлаган (масалан, меҳмонхона номерига кириш учун).

**Proximity-карталар.** Умуман олганда – бу электрон жетонларни ривожлантириш ғояси ҳисобланади. Бу қурилма – ичида такрорланмас код ёки радиоузатгичи бўлган контактсиз карточка (брелок ёки браслет кўринишида). Маълумотни ўқувчи ускуна доимий равишда электромагнит энергия тарқатувчи махсус антенна билан жиҳозланган бўлади. Карточка ушбу майдонга кирган заҳоти унинг чипига ишлов берилади ва карта ўқиб олувчи ускунага ўзининг такрорланмас кодини юборади.

**Смарт-карталар.** Магнит картадан фарқли равишда смарт-картада микропроцессор ва энергия узатиш ҳамда ўқувчи ускуна билан маълумот алмашиш учун контакт майдончалари мавжуд бўлади. Смарт-карта ҳимояланганликнинг юқори даражасига эга. Смарт-карталар технологияси йигирма йилдан бери мавжуд ва ривожланиб келмоқда, бироқ жуда ҳам кенг тарқалиши охирги бир неча йилларда рўй берди.

**Электрон жетонлар.** Ҳозирги кунда эгалари идентификациясини талаб қилувчи турли тизимларда электрон жетонлардан фойдаланиш усули кенг жорий этилган. Бундай жетоннинг танилган намунаси – электрон "таблетка". "Таблетка" занглaмайдиган пўлатдан думалоқ корпусда ишланади ва ичида такрорланмас рақами бўлган чип ўрнатилган.

## Хулоса

Охирги вақтларда баъзи банкларда махфийлик даражасининг бузилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бунга мисол қилиб турли тижорат компаниялари ва алоҳида шахслар ҳақидаги маълумотларнинг компакт-дискларда эркин фойдаланишда пайдо бўлишини келтирса бўлади. Назарий жиҳатдан бизнинг мамлакатимизда банк маълумотларини ҳимоялашни таъминлаш учун қонунчилик базаси етарли, бироқ унинг амалда қўлланиши ҳали кўнгилдагидан анча йироқ.

Банкдаги маълумотларни ҳимоялаш – бу комплекс масала бўлиб, фақат банк дастурлари доирасида ҳал бўлиши мумкин эмас. Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, банк соҳасида ишлаётганда корпоратив ва тижорат маълумотлари ёпиқ ҳолда бўлишига ишонч ҳосил қилиш керак. Бироқ, нафақат ҳужжатлар ва бошқа ишлаб чиқариш маълумотлари ҳимояси учун, балки тармоқ созламалари ва компютерда тармоқ фаолиятининг параметрлари учун ҳам қайғуриш зарур.

Банкда маълумотларни ҳимоялаш масаласи бошқа ташкилотларникидан кўра анча жиддий тарзда қўйилади. Ушбу масалани ҳал қилиш ўз ичига ҳимояни таъминловчи ташкилий, тизимли чора-тадбирларни қамраб олади.

**Шоҳрух РАҲМАТ,**
**Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази департаменти бошлиғи**

# ВЕЛИКИЙ РУКОВОДИТЕЛЬ, ВЕРЯЩИЙ В БУДУЩЕЕ СВОЕЙ СТРАНЫ

30 января 2018 года республика отмечает 80 летний юбилей Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, который был и остается для нас выдающимся государственным и политическим деятелем, основоположником идеи национальной независимости, внесшим неоценимый вклад в возрождение исторической памяти узбекского народа, национально-духовных ценностей, национального самосознания, восстановление национальной государственности.

Столичный информационно-библиотечный центр «Bilim» наряду с другими информационно-библиотечными учреждениями республики располагает богатым фондом произведений Ислама Абдуганиевича Каримова, как в традиционном, так и в электронном формате. Труды Каримова пользуются большим спросом у читателей центра, так как они содержат ответы на все вопросы, касающиеся всех сфер жизнедеятельности не только отдельной личности, но и государства в целом.

Вся страна широко отметит юбилей, в рамках которого пройдут торжественные мероприятия, посвященные 80-летию И.Каримова. Специалисты отдела обслуживания пользователей информационно-библиотечного центра «Bilim» вместе с другими культурно-просветительскими заведениями г. Ташкента также готовят ряд мероприятий, которые будут проводиться не только в стенах библиотеки, но и за ее пределами. Совместно с ИРЦ общеобразовательных школ, средне-специальных и высших учебных учреждений запланировано провести викторины «Лучший знаток трудов И.Каримова», для младшего школьного возраста «Что ты знаешь о Первом Президенте Узбекистана». Будут продемонстрированы презентации, рассказывающие о его жизни и деятельности, библиографические обзоры произведений, а также статей из периодических изданий, посвященных государственному деятелю. В целях популяризации и пропаганды наследия И.Каримова среди учащихся школ, колледжей, лицеев в дни празднования 80-летия основоположника независимости Узбекистана в рамках проекта «Мобильная библиотека», сотрудники ИБЦ «Bilim» представят издания И.Каримова, а также материалы о нем.

Для пользователей ИБЦ «Bilim» организована тематическая выставка «Основоположник Независимого Узбекистана», с изданиями которой могут ознакомиться и удаленные пользователи на сайте библиотеки. К юбилейной дате специалист информационно-библиографического отдела М.Ходжиакбарова подготовила мультимедийный продукт «Наш Первый Президент» на узбекском и русском языках. Также специалистами отдела была создана картотека произведений И.Каримова, которая является помощником в поиске необходимого материала.

Специалисты ИБЦ «Bilim» считают что труды Первого Президента страны никогда не потеряют своей актуальности и будут впредь продолжать пропагандировать произведения И.Каримова особенно среди подрастающего поколения, так как он жил и работал для своего народа. Ислам Абдуганиевич Каримов — это личность нашей эпохи, который верил великое будущее своей страны, и о котором никогда не будут говорить в прошедшем времени.

**В.МУРАТОВА,**
**Т.ХАБИБУЛИНА,**
**библиотекари ИБЦ «Bilim»**

# IUT и АО "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ"

## будут стимулировать молодых изобретателей и рационализаторов

Университет ИНХА в г. Ташкенте (IUT) и акционерное общество "Ўзбекистон почтаси" 18 января 2018 года подписали договор о совместной деятельности.

Ректор IUT Сарвар Бабаходжаев и генеральный директор АО "Ўзбекистон почтаси" Шухрат Атамухамедов поставили свои подписи под документом.

Стороны планируют привлекать преподавателей, соискателей и студентов для участия в выполнении прикладных научных разработок и инновационных проектов, стимулирование и поддержка реализации инновационных инициатив.

Ожидается, что выпускники Университета ИНХА в г. Ташкенте будут трудоустроены на предприятиях АО "Ўзбекистон почтаси", а студенты получат возможность пройти практику.

АО "Ўзбекистон почтаси" также привлечет специалистов и профессоров Университета ИНХА в г. Ташкенте для переподготовки и повышения квалификации кадров области логистика и информационно-коммуникационных технологий.



# ОБЪЯВЛЕНИЕ!

АО "Ўзбекистон почтаси" объявляет конкурс для приобретение мебели, а также на изготовление и поставку книг (руководящие документы) и брошюр 3-х видов используемые в процессе оказания почтовых услуг.

1. Мебель для пользования в Обществе.

| № | Наименование | ед.изм | кол-во | Описание |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Вешалка гардеробная (420x420x1800 мм) | шт | 1 | Материал: Металлокаркас,пр-во Россия. |
| 2 | Набор кухонной мебели (3570x600x850 мм) | шт | 1 | Материал: Ламинированный МДФ, столешница иск.камень. |
| 3 | Стол обеденный (800x800x740 мм) | шт | 1 | Каркас 25x25 мм,пр-во Россия, столешница иск.камень. |
| 4 | Стул полумягкий на металлической основе (400x400x790 мм) | шт | 4 | Материал: каркас,пр-во Россия, обивка ткань или кож.заменитель. |
| 5 | Стол журнальный (1000x700x490 мм) | шт | 1 | Материал: Ламинированный ДСП 16 мм, столешница стекло 10 мм. |
| 6 | Диван угловой (2330/3000x850x920 мм) | к-т | 1 | Материал: Ламинированный ДСП, обивка ткань или кож.заменитель. |
| 6 | Стол рабочий (800x800x500 мм) | шт | 1 | Материал: Ламинированный ДСП 16 мм, столешница иск.камень. |

2. Книги (руководящие документы) и брошюры 3-х видов.

| № | Наименование | Формат | Кол-во листов | Тираж |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Руководящий документ (книга на русском языке) | 60x84 | 359 | 300 шт |
| 2 | Руководящий документ (книга на узбекском языке) | 60x84 | 367 | 300 шт |
| 3 | Брошюра №1 русско-узбекских языках | А-5 | 20 | 2000 шт |
| 4 | Брошюра №2 русско-узбекских языках | А-5 | 42 | 2000 шт |
| 5 | Брошюра №3 русско-узбекских языках | А-5 | 42 | 2000 шт |

Для участия в конкурсе, участники должны представить следующие документы:

- Ксерокопию свидетельства о государственной регистрации;
- Ксерокопию паспорта руководителя организации;
- Письменное коммерческое предложение.

Коммерческие предложения по конкурсу направлять на e-mail: b.djuraev@post.uz с 19 по 29 января 2018 года. Контактный телефон: 236-72-96 или +99899 844-34-10

**АО "Ўзбекистон почтаси"**

# ПУТЕШЕСТВИЕ В ХОРЕЗМ

В канун Нового 2018 года преподаватели и сотрудники Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий получили замечательный подарок — бесплатную двухдневную туристическую поездку в древнюю Хиву.

В общей сложности более ста преподавателей и сотрудников университета в течение месяца, группами по 25-30 человек каждую неделю, отправлялись на поезде в Хорезмский край.

Прибытия групп сопровождались теплым приемом, оказанным преподавателями Ургенчского филиала Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий.

В первый день пребывания в Ургенче мы имели возможность посетить филиал университета, познакомиться с его преподавателями, обменяться с ними богатым опытом работы, пообщаться со студентами, посетить занятия. Затем нам была предложена интересная культурная программа: посещение монумента Джалалиддина Мангуберди, прогулки по набережной канала Шават и в городском парке отдыха.

Во второй день мы отправились на экскурсию в Хиву. Здесь нас встретил профессиональный гид, который провел группу по всем историческим местам Ичан-Калы, древнего внутреннего города-крепости. Во время экскурсии нам было подробно рассказано о богатой истории крепости, ее основных достопримечательностях.

Экскурсия продлилась почти весь день и стала для нас настоящим праздником.

А вечером мы уезжали из Хорезма с грустью, потому что расставались с замечательным краем, с уходящей вглубь веков историей, со множеством древних реликвий. Очень надеемся, что такие путешествия будут проводиться и в дальнейшем, тем более что наша страна славится местами, являющимися частью мирового исторического наследия.

**Преподаватели кафедры "Системы телерадиовещания" Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий**

1-бет.

# АНАЛОГ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ “СЎНГГИ БАҲОРИ”

## ёхуд миллий ва ажнабий рақамли экспансиянинг фарқи нимада?

Собит АҲАДОВ,
“Xabar” мухбири



**2018 йилнинг 15 январидан Фарғона, Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларида аналог форматдаги теледастурлар эфири тўлиқ тўхтатилди.**

### Рақамли қоплаш 100 фоиз уддаланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлидаги “Рақамли телеэшиттиришларга ўтиш ва ер усти аналог телеэшиттиришларни тўхтатишга доир амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида 2017 йил якунига қадар ҳамма ҳудудларда 90 комплект юқори қувватли ва 404 комплект кам қувватли рақамли телеэшиттириш узатгичларини ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш кўзда тутилганди.

“Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхонаси белгиланган бу вазифаларни муддатида бажарди ва Ўзбекистондаги барча аҳоли яшаш масканлари тўлиқ рақамли телевидение дастурлари билан таъминланди. Бу ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам рақамли телевидение сигналлари бор, деганидир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги байрами арафасида Тошкент шаҳрида сунъий йўлдош алоқа тармоғига рақамли теледастурларни узатиш ва қабул қилиш Ер станцияси ишга туширилди. Бу сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12та теледастури ва 4та радиодастури узатиб берилаяпти. Уларни нафақат Ўзбекистонда, балки 40дан ортиқ чет мамлакатларда ҳам кўришингиз мумкин.

### Аналог ТВ қандай ўчириляпти?

Худди юқоридаги қарорда мамлакатимизда ер усти аналог телеэшиттиришларни босқичма-босқич тўхтатиш жадвали ҳам тасдиқланган:

**2018 йилнинг 15 январидан бошлаб то 5 декабрига қадар бутун республика бўйлаб аналог форматдаги барча телеэшиттиришлар тўхтатилади.**

Бу жадвалга асосан 2018 йилнинг 15 январидан Фарғона, Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларида аналог форматдаги теледастурлар эфири тўлиқ тўхтатилди.

Рақамли телеэшиттиришларга ўтиш, аналог телеэшиттиришларнинг босқичма-босқич тўхтатилиши тўғрисида хабардор қилиш мақсадида 2017 йилнинг ноябр ойида мобил алоқа операторлари хизматларидан фойдаланиб, аҳолига SMS-хабарлар юборилди. Декабр ойида эса Андижон, Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятларидаги мобил алоқа абонентлари SMS-хабарлар орқали огоҳлантирилди.

Қолаверса, аҳолини янада яқиндан хабардор қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг вилоят телеканаллари, вилоятлардаги нодавлат телеканалларида 48 маротаба; (интервю, вилеоролик, эълонлар);

радиода: 31 маротаба (интервю, эълонлар);

газета ва интернет нашрларда: 27 маротаба (мақола ва эълонлар) чиқишлар қилинди.

Бундан ташқари, “РРТМ” ДУК томонидан жойларда ўтказилган 52та сайёр қабул йиғилишларида ҳам аҳоли билан бевосита тушунтириш ишлари олиб борилди.

**Тавсия:** *Телевизор ёки тюнер харид қилаётганда, ушбу қурилманинг DVB-T2 стандартини қўллаб-қувватлашига эътибор қаратиш лозим. Маҳсулотнинг техник тавсифида бу ҳақда батафсил ахборот берилган бўлади.*

### Келинг, дунё тажрибасига ҳам кўз ташласак, улар аналогдан қандай воз кечишди экан?

Агарда ҳозир шартли равишда “Дунёнинг телевидение харитаси”ни тузадиган бўлсак, уч гуруҳ пайдо бўлади:

● Рақамли ТВга ўтиб, аналог ТВни тўлиқ ўчирган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Германия, Нидерландия ва бошқалар)

● Рақамли ТВ ва аналог ТВни параллел ишлатаётган мамлакатлар (Хитой, Россия, Украина, Ўзбекистон ва бошқалар)

● Рақамли ТВ умуман мавжуд бўлмаган мамлакатлар (Покистон, Ливия, КХДР, Марокаш, Сурия, Ироқ ва бошқалар)

*Эътибор берган бўлсангиз, келгуси йилдан биз ҳам “юқори поғона аъзоси”га айланамиз. Мавзуимиз “Аналогни ТВни ўчириш”, демак, биз учун мана шу, аналог ТВни буткул ўчирган мамлакатлар тажрибаси қизиқ.*

**Нидерландия.** Дунёда биринчи бўлиб Нидерландия рақамли ТВга тўлиқ ўтди (2007 йил январ). Аналог ТВдаги 30та канал ўрнига рақамлида юзлаб каналлар таклиф этилиши ва LCD телевизорлар савдосининг жадаллашиши бу жараённи тезлатиб юборди. Кабел операторлар ҳам рақамни қўллаб-қувватлашди, масалан, UPC ўз рақамли тарифларини аналог каналларники билан бир хил белгилади.

**Швеция.** Скандинавлар рақамли ТВни 1999 йилдан жорий этишга киришишди ва умумий ҳисоблаганда, аналог ТВ рақамлиси билан саккиз йил ёнма-ён “яшади”.

**Германия.** Рақамли эфир узатишларига Германия 2004 йилдан киришган. Шуни айтиш керакки, немислар учун аналог ТВдан воз кечиш айтарли муаммо туғдирмади. Бунгача кабел ва йўлдош каналлар ўта ривожланган, аналог ТВдан аҳолининг борйўғи 10 фоизи фойдаланарди. Немисча рақамлаштиришнинг битта хусусияти бизникига ўхшайди — улар ҳам аналогдан воз кечишни ҳудудлар бўйича тақсимлаб, босқичма-боқич амалга оширишди.

**Испания.** Пиренейликлар рақамли узатишни 2002 йилнинг май ойидан бошлашди. Бироқ дастлабки тижорий лойиҳа инқирозга юз тутди. 2005 йилнинг ноябр ойида рақамли телевидениега қайта старт берилиб, 20 телеканал, 14 радиостанцияни ўз ичига олган бепул хизматлар пакети жорий этилди. Аммо аналог ТВ яна беш йил ишлаб берди.

**Буюк Британия.** Доим ўз мезонлари билан яшовчи консерватор инглизлар “одатларига хилоф равишда” Европада биринчи бўлиб (1998 й.) рақамли телевидениени жорий этишга киришишди. Аммо биринчи бошлаш билан биринчи бўлиб ўтиш ўртасида фарқ бор, шундай эмасми? Илк британ рақамли ТВ тармоғи — ONdigital, худди испанларники каби кўпга бормади. Нега? Чунки Англия футбол лигаси билан тузилган шартномалар қиммат, хизмат сифати паст, частоталарда каналлар ўта тиғизлашиб кетганди.

Аввалига рақамлаштиришни 2005 йили якунлашга уриниб кўришди, бироқ бу йили фақатгина Кармартеншир (Уэлс) графлигида аналог сигнални “пилот” лойиҳа сифатида ўчиришди холос. “Рақамли ўтиш” фақат 2007 йилнинг октябридан жадаллашди. Ёши 75дан ошганлар ва ногиронлар учун рақамли қурилмалар, уларни ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш бепул қилиб белгиланди. Яна беш йил ўтиб, 2012 йилнинг октябр ойидан аналог сигналларни узатиш тўхтатилди.

**Франция.** Ер усти рақамли узатиш бу мамлакатда 2005 йилнинг 31 мартидан бошланди. Дастлабки босқичда рақамли эфир 14та каналдан иборат эди. Кам таъминланган оилаларни қувватлаш учун давлат 15млн. евро ажратди. Аналог сигналлар 2011 йил кузида батамом ўчирилди.

**АҚШ.** Рақамли ТВга америкаликлар 1996 йилдаёқ ўтишни режалаштиришганди. Бироқ улар бу ишни уддалашгунича орадан 13 йил ўтиб кетди ва 2009 йилнинг 13 июн куни барча штатлардаги аналог узатгичлар ўчирилди. Аналог узатишдан воз кечиш учун охирги тўрт йил жиддий иш олиб борилди. Одамларнинг оддий телевизорларига махсус қурилмани ўрнатиш жараёни, айниқса, оғир кечди. Барча телетомошабинларни ҳам нархи 60-80 доллар турувчи бу қурилмани харид қилишга кўндириш осон эмасди. Шунинг учун ҳам Америка ҳукумати купон дастурини ишлаб чиқди. ТВ-қурилмани харид қилишда ишлатиладиган қирқ долларлик купонларни чиқаришга миллиард доллардан ортиқ маблағ кетди. Бироқ рақамли ТВга ўтиш белгиланган феврал ойига келиб қарашса, одамлар ТВ-мосламаларни жуда суст харид қилишяпти: аналогли сигналларни ўчириш яна тўрт ойга кечикди.

**Жанубий Корея.** Бу мамлакат фуқаролари 2013 йил кутиб олинган янги йил байрамини фақат рақамли телевизорларда томоша қилишди. Негаки, 2012 йилнинг 31 декабр куни тонгида барча аналог узатгичлар ўчириб бўлинганди. Албатта, байрам-байрамдай бўлиши учун ҳукумат фуқароларига имкон қадар ёрдам қўлини чўзди. Оилаларга уларнинг даромадидан қатъи назар 45 минг вондан 100 минг вонгача молиявий кўмак берилди. Масалан, ҳар бир оилага ТВ-тюнерни ижарага олишга кетадиган 60 вонннинг 40 вони, антеннани ўрнатишга кетадиган 90 минг вонннинг 60 минг вони давлат ҳисобидан қопланди.

Оилаларнинг ўзи эса рақамли ТВга уланишда 50 минг вондан тўлашди. Кексалар ва ногиронларга рақамли телевидение бепул етказилди. Бундан ташқари, кам таъминланган кишилар, ветеранларга ТВ-тюнерлар бепул улашилди ёки рақамли телевизор сотиб олишлари учун 100 минг вондан берилди.

*Бугунги кунда республикамизда рақамли телевидениенинг ижтимоий очиқ тўплами шакллантирилган бўлиб, ушбу тўплам таркибига Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston”, "Yoshlar", "Toshkent", "Sport", "Navo", "Dunyo bo‘ylab", "Madaniyat va ma’rifat", "Bolajon", "Kinoteatr", "Oilaviy", "Mahalla", "O‘zbekiston 24" telekanallari va “O‘zbekiston", "Yoshlar", "Mahalla", "O‘zbekiston 24" радиоканаллари ҳамда “Zo‘r TV”, “Sevimli” (Caravan TV), “Uzreport”, “Futbol TV”, “MY5”, “Milliy” нодавлат телеканаллари дастурлари киритилган. Ушбу телеканаллар дастурларини кўриш бепул.*

*Кимнинг хонадонидаги телевизорда ушбу теледастурлар кўрсатаётган бўлса, улар аллақачон рақамли телевидение хизматларидан фойдаланишмоқда.*

*Эслатма! Мазкур маълумотлар эфир орқали (теледастурларни антенна орқали қабул қилиш) узатилаётган телерадиодастурларни кўрувчиларга тегишли. Кабел телевидениеси, “Ўзбектелеком” АКнинг “IP” телевидениеси хизматларидан ҳамда сунъий йўлдош алоқа тармоғидан (параболик антенна орқали) фойдаланиб теледастурларни кўрувчиларга тааллуқли эмас.*



**P.S. Навбатдаги аналог ТВ тўхтатилиши Сирдарё вилоятида 15 апрел куни амалга оширилади.**

## 2018 ЙИЛ 22 — 28 ЯНВАР КУНЛАРИ УЧУН

ТВ-дастурлар «UNIVERSAL-PRESS-MEDIA» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

# Xabar +tv

## ДУШАНБА — 22 ЯНВАР

**1**

04.00 Телеканал "Доброе утро"
08.00 Новости
08.15 "Контрольная закупка"
08.50 "Жить здорово!"
09.55 "Модный приговор"
11.00 Новости
11.15 "Время покажет"
14.00 Новости
14.15 "Давай поженимся!"
15.00 "Мужское / Женское"
16.00 "Время покажет"
17.00 Вечерние новости
17.45 "На самом деле"
18.50 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.35 Премьера. Ксения Лаврова-Глинка, Михаил Трухин в многосерийном фильме "Секретарша". 1-2 серии
22.40 Андрей Смоляков, Марина Александрова в многосерийном фильме "Паук". 1-2 серии
00.45 Сигурни Уивер в фильме Ридли Скотта "Чужой"
02.00 Новости
02.05 "Чужой"
03.05 "Контрольная закупка"

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Склифосовский"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
01.50 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00, 10.25 Т/с "Возвращение Мухтара"
11.20 Т/с "Дорожный патруль"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Инспектор Купер"
21.35 Т/с "Последняя статья журналиста"
23.40 "Итоги дня"
00.10 "Поздняков"
00.20 Т/с "Свидетели"
01.15 "Место встречи"
03.15 "Таинственная Россия"
04.05 Т/с "Курортная полиция"

**МАТЧ!**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 12.30, 13.30, 15.55, 18.30, 20.55, 00.15 Новости
09.05, 13.35, 18.35, 02.55 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 Биатлон с Дмитрием Губерниевым
11.30 Биатлон. Кубок мира. Масс-старт. Женщины. Трансляция из Италии
12.35 Биатлон. Кубок мира. Масс-старт. Мужчины. Трансляция из Италии
13.55 Футбол. Товарищеский матч. "Спартак" (Россия) - "Астана" (Казахстан). Прямая трансляция из ОАЭ
16.00 "Футбольный год. Англия 2017"
16.30 Футбол. Чемпионат Англии. "Саутгемптон" - "Тоттенхэм"
18.55 Футбол. Чемпионат Италии. "Интер" - "Рома"
21.00 Континентальный вечер
21.25 Хоккей. КХЛ. СКА (Санкт-Петербург) - "Динамо" (Москва). Прямая трансляция
23.55 С/р "Илья Ковальчук. Один гол - один факт".
00.25 Обзор Английского чемпионата
00.55 Футбол. Чемпионат Англии. "Суонси" - "Ливерпуль". Прямая трансляция
03.25 Футбол. Чемпионат Германии. "Бавария" - "Вердер"
05.15 Д/ф "Хулиган".
06.40 Футбол. Чемпионат Франции. "Лион" - ПСЖ

**КИНОХИТ**

03.25 "Громче, чем Бомбы"
05.25 "Аноним"
07.30 "Need for Speed. Жажда скорости"
09.30 "Кулак ярости"
11.15 "Джей и Молчаливый Боб наносят ответный удар"
13.05 "Джерри Магуайер"
15.15 "Талантливый мистер Рипли"
17.35 "Игра по чужим правилам"
19.25 "Судья Дредд"
21.00 "Признания опасного человека"
22.45 "Джеки Браун"
01.10 "На игле"

**ТВ3**

06.00 Мультфильмы
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории. Начало"
18.40, 19.30 Т/с "Касл"
20.30, 21.15, 22.00 Т/с "Кости"
23.00 Х/ф "Коммандос"
00.45, 01.30, 02.30, 03.15 Т/с "Скорпион"
04.00, 05.00 "Тайные знаки"

## СЕШАНБА — 23 ЯНВАР

**1**

04.00 Телеканал "Доброе утро"
08.00 Новости
08.15 "Контрольная закупка"
08.50 "Жить здорово!"
09.55 "Модный приговор"
11.00 Новости
11.15 "Время покажет"
14.00 Новости
14.15 "Давай поженимся!"
15.00 "Мужское / Женское"
16.00 "Время покажет"
17.00 Вечерние новости
17.45 "На самом деле"
18.50 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.35 Премьера. Ксения Лаврова-Глинка, Михаил Трухин в многосерийном фильме "Секретарша". 3-4 серии
22.40 Андрей Смоляков, Марина Александрова в многосерийном фильме "Паук". 3-4 серии
00.45 Сигурни Уивер в остросюжетном фильме "Чужие"
02.00 Новости
02.05 "Чужие"
03.25 "Контрольная закупка"

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Склифосовский"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
01.50 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00, 10.25 Т/с "Возвращение Мухтара"
11.20 Т/с "Дорожный патруль"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Инспектор Купер"
21.35 Т/с "Последняя статья журналиста"
23.40 "Итоги дня"
00.10 Т/с "Свидетели"
01.05 "Место встречи"
03.05 "Квартирный вопрос"
04.05 Т/с "Курортная полиция"

**МАТЧ!**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 13.15, 16.30, 19.25, 23.55 Новости
09.05, 13.25, 16.40, 19.55, 01.00 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 Д/ф "Мираж на паркете".
11.30 Баскетбол. Матч легенд, посвящённый 90-летию А. Я. Гомельского. Трансляция из Москвы
14.00 "Футбольный год. Италия 2017"
14.30 Футбол. Чемпионат Италии. "Ювентус" - "Дженоа"
17.25, 04.40 Смешанные единоборства. Bellator. Дуглас Лима против Рори Макдональда. Куинтон Джексон против Чейла Соннена. Трансляция из США
19.35 С/р "Илья Ковальчук. Один гол - один факт".
20.35 "Десятка!"
20.55 Континентальный вечер
21.25 Хоккей. КХЛ. "Ак Барс" (Казань) - ЦСКА. Прямая трансляция
00.00 Д/ц "Утомлённые славой".
00.30 С/р "34 причины смотреть Примеру".
01.45 Х/ф "Каждое воскресенье".
06.30 Х/ф "Триумф духа".

**КИНОХИТ**

02.45 "Побочный эффект"
04.30 "Экстази"
06.10 "Легенда"
08.15 "А как же Боб?"
09.50 "Магия лунного света"
11.25 "Рабство, Добро пожаловать в Америку"
13.20 "Суррогаты"
14.45 "Немыслимое"
16.15 "Умница Уилл Хантинг"
18.15 "Омерзительная восьмерка"
21.00 "Ураган"
23.15 "Воскрешая чемпиона"
01.05 "Сломанные цветы"

**ТВ3**

06.00 Мультфильмы
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории. Начало"
18.40, 19.30 Т/с "Касл"
20.30, 21.15, 22.00 Т/с "Кости"
23.00 Х/ф "Полицейская академия 5. Задание Майами"
00.45, 01.30, 02.30, 03.15 Т/с "Гримм"
04.15, 05.15 "Тайные знаки"

## ЧОРШАНБА — 24 ЯНВАР

**1**

04.00 Телеканал "Доброе утро"
08.00 Новости
08.15 "Контрольная закупка"
08.50 "Жить здорово!"
09.55 "Модный приговор"
11.00 Новости
11.15 "Время покажет"
14.00 Новости
14.15 "Давай поженимся!"
15.00 "Мужское / Женское"
16.00 "Время покажет"
17.00 Вечерние новости
17.45 "На самом деле"
18.50 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.35 Премьера. Ксения Лаврова-Глинка, Михаил Трухин в многосерийном фильме "Секретарша". 5-6 серии
22.40 Андрей Смоляков, Марина Александрова в многосерийном фильме "Паук". 5-6 серии
00.45 Сигурни Уивер в остросюжетном фильме "Чужой 3"
02.00 Новости
02.05 "Чужой 3"
02.55 "Модный приговор"

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Склифосовский"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
01.50 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00, 10.25 Т/с "Возвращение Мухтара"
11.20 Т/с "Дорожный патруль"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Инспектор Купер"
21.35 Т/с "Последняя статья журналиста"
23.40 "Итоги дня"
00.10 Т/с "Свидетели"
01.05 "Место встречи"
03.05 "Дачный ответ"
04.05 Т/с "Курортная полиция"

**МАТЧ!**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 12.45, 17.45, 20.20, 00.30 Новости
09.05, 12.50, 17.00, 20.25, 02.40 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 Профессиональный бокс. Эррол Спенс против Ламонта Питерсона. Бой за титул чемпиона мира по версии IBF в полусреднем весе. Роберт Истер-мл. против Хавьера Фортуны. Бой за титул за титул чемпиона мира по версии IBF в лёгком весе. Трансляция из США 1
12.15 "Сильное шоу"
13.25 Х/ф "Новый кулак ярости".
15.00 Все на футбол!
16.00 Футбол. Лига Наций. Жеребьёвка. Прямая трансляция из Швейцарии
17.50 Смешанные единоборства. UFC. Стипе Миочич против Фрэнсиса Нганну. Даниэль Кормье против Волкана Оздемира. Трансляция из США
19.50 "Дакар-2018. Итоги"
20.55 Волейбол. Лига чемпионов. Женщины. "Динамо" (Москва, Россия) - "Вакифбанк" (Турция). Прямая трансляция
22.55 Футбол. Чемпионат Италии. "Лацио" - "Удинезе". Прямая трансляция
00.25 "Россия футбольная"
00.40 Футбол. Чемпионат Италии. "Сампдория" - "Рома". Прямая трансляция
03.20 Баскетбол. Евролига. Женщины. "Галатасарай" (Турция) - "Динамо" (Курск, Россия)
05.10 Х/ф "Гран при".
08.05 Д/ц "Вся правда про ...".

**КИНОХИТ**

02.45 "Need for Speed. Жажда скорости"
05.20 "Джерри Магуайер"
07.30 "Игра по чужим правилам"
09.25 "Крик"
11.10 "Крик 2"
13.05 "Крик 3"
14.55 "Джей и Молчаливый Боб наносят ответный удар"
16.45 "Признания опасного человека"
18.35 "Джеки Браун"
21.00 "Девушка из Джерси"
22.35 "Бар "Гадкий койот""
00.10 "Больше, чем любовь"
01.55 "Кулак ярости"

**ТВ3**

06.00, 05.45 Мультфильмы
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории. Начало"
18.40, 19.30 Т/с "Касл"
20.30, 21.15, 22.00 Т/с "Кости"
23.00 Х/ф "Полицейская академия 6. Осажденный город"
00.45, 01.45, 02.45, 03.45, 04.45 Т/с "Громкие дела"

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

# ҚИШДА ГЕМОГЛОБИННИ ОШИРУВЧИ 8 МАҲСУЛОТ

Қонда темир моддасининг етишмовчилиги жиддий хасталикларга олиб келиши мумкин.

Уйқу босиши, депрессия, бош айланиши, дармонсизланиш... Бу кўпинча қиш фаслида кузатилади. Хўш, яна қандай белгилар гемоглобин камайиб кетганидан далолат беради.

### Меъёр қанақа?

Гемоглобин – қондаги таркибида темир моддасига эга оқсил бўлиб, унинг етишмовчилиги қиш фаслида иммунитетнинг пасайиб кетиши, дармонсизлик, инсон меҳнат қобилиятининг сусайиши каби аломатларда пайдо бўладики, бу оғир кечувчи ЎРВИ (ўткир респиратор вирусли инфекция) юзага келишига замин тайёрлаши мумкин. Янаям эътибор берилмаса, бу симптомлар бундан-да жиддий босқичда ривожланиб, гепатит, қон касалликлари, анемия, туберкулёз, ўпка хасталиклари хавфини туғдиради.

Кўпчиликнинг назарида гемоглобининг паст бўлиши – вақтинчалик ҳолат. Аммо бу масалага жиддийроқ ёндашиб, темир моддаси етишмовчилигини ўз вақтида бартараф этиш лозим. Эркаклар учун гемоглобиннинг энг паст меъёри – 120 г/л, юқориси – 160 г/л. Аёллар учун мос равишда 114 г/л ва 150 г/л.

### Гемоглобинни нима оширади?

Албатта, қишда янги узилган мева ва сабзавотларнинг ҳаммасини ҳам топиш осонмас. Хўш, уларнинг ўрнини нима босиши мумкин? Шуларнинг айримларига тўхталамиз.



**1. Ҳолва.** Кўз учун фойдали, онкологик касалликларга қарши самарали восита, таркибида жуда кўп темир моддаси бор. Масалан, 100 грамм кунжутли ҳолва 50 миллиграмм, кунгабоқарли ҳолва эса 33 миллиграмм темир моддасига эга. Бундан ташқари, Е, В витаминлари, фосфор, рух, калцийга бой.

**2. Гўшт.** Қишда кўп гўшт ейиш керак. Ҳам тўйимли, ҳам қон ҳужайраларини меъёрда сақлайди. Мол гўшти, қуён гўшти, жигар, тил ҳар бир кишининг рационида бўлиши керак. Кунлик меъёрни сақлаш учун 50 грамм гўшт кифоя, гемоглобинни ошириш учун эса меъёрни 100 граммга ошириш керак.

**3. Қуритилган қўзиқоринлар.** Қўзиқориннинг 100 грамми 30 мг. темир моддасини беради. Агар у кунига 50 граммдан истеъмол қилинганида ҳам гемоглобинни меъёрда сақлаш учун етарли бўлади.

**4. Буғдой кепаги.** Унинг 100 граммида камида 15 мг. темир моддаси, шунингдек, гемоглобин синтезида иштирок этувчи В гуруҳи витаминлари бор. Нонуштабоп маҳсулот, бироқ овқат ҳазм қилиш тизимида муаммолар пайдо бўлмаслиги учун меъёрни ҳам билиш лозим. Кунлик ўлчам – 30 грамм.

**5. Лавлаги.** Лавлаги шарбати жуда фойдали. Фақат уни мунтазам истеъмол қилиш керак. Яхши ҳазм бўлиши учун тайёр бўлганидан кейин ярим соатча совутгичда сақлаган маъқул. Таъмини янада яхшилаш учун олма ёки сабзи шарбатини қўшиш мумкин.

**6. Анор.** Юртимизда етиштирилувчи бу ажойиб мевани еттидан етмишгача ҳамма севиб истеъмол қилади. Анор шарбатини мунтазам, бироқ кам-камдан ичиб бориш лозим. Мевасидан уй шароитида тайёрлангани энг яхшиси. Аммо чекловлар бор: ошқозонида жиддий муаммоси борлар анор шарбатидан бир оз тийилишлари шарт. Бундай инсонларга анор шарбатига озроқ сув аралаштириб ичиш тавсия қилинади.

**7. Қуруқ мевалар ва ёнғоқ аралашмасидан витаминли жамланма.** Майиз, қуритилган олхўри, туршак, ёнғоқ бир хил миқдорда олинади ва гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Тайёр қоришмага озроқ асал қўшилади. Кунига олти ошқошиқдан ейиш тавсия этилади.

**8. Сабзи.** Қонни гемоглобин билан бойитишда янги тайёрланган сабзи шарбати жуда самарали. Кунига 300-400 мл.дан ичилса кони фойда. Лавлаги шарбати билан аралаштириш ёки асал қўшиб ҳам ичиш мумкин. Бу ҳолатда стаканлаб эмас, балки кунига уч маҳал оз-оздан ичилса етарли.

## МАСАЛ

**ЭЗОП**

### ТОВУҚ БИЛАН ТУЛКИ

Баланд дарахт шохига қўниб, қағ-қағлаб ётган Товуқнинг товуши бутун ўрмонга таралиб, очликдан силласи қуриган Тулкининг эътиборини тортибди. Товуқнинг баланд шохда турганини кўрган Тулки уни ҳийла билан пастга тушириб, емоқчи бўлибди.

— Кечирасан, қадрдоним Товуқ, — деб гап бошлабди у, — сен йиртқичлар билан қушлар, умуман, ўрмонимиздаги барча жонзотлар ўртасида тузилган тинчлик битими ҳақида ҳали эшитмадингми? Бундан кейин биз бир-биримизни овламаймиз, алдамаймиз ва ўғирламаймиз, балки тинчликда, ҳамжиҳатликда яшаймиз. Пастга туш, бу ҳақда яхшилаб гаплашиб оламиз.

Тулкининг муғомбирлигини яхши билган Товуқ ҳеч нарса демай, худди бир нарсага тикилгандек йўлга қараб тураверибди.

— Нимага бунча тикилиб қолдинг? — деб сўрабди Тулки.

— Мен бир тўда итларни кўраяпман, — дебди Товуқ, — адашмасам, улар биз томонга келишяпти, жаноб Тулки.

— Шунақами, унда мен кетишим керак, — дебди Тулки.

— Илтимос, жаноб Тулки, кетмай туринг, — дебди Товуқ, — мен энди тушмоқчи бўлиб турувдим. Келинг, итларни кутиб турамиз, улар келгандан сўнг тинчлик битимини бирга муҳокама қиламиз.

— Йўқ, йўқ, — дебди Тулки, — мен кетишим керак, итлар ҳали тинчлик битими ҳақида эшитмаган бўлишлари мумкин.

**Қиссадан ҳисса:** *Тўсатдан таклиф қилинган дўстликдан эҳтиёт бўлинг.*

## ЭВРИКА

### КИМ УЧ ТИЛДА СЎЗЛАШАДИ?

Тасаввур қилинг: сиз тилшунослар байрамидасиз...

Бу ердаги жами 100 кишининг 90 нафари испан тилида, 80 нафари италян тили, 75 нафари хитой тилида сўзлаша олади.

**Қани, топингчи, уларнинг орасида энг камида неча киши ҳар уч тилни билади?**

**(Жавоби келгуси сонда.)**

## Ўтган сондаги бошқотирмаларнинг жавоблари

### ОЛИМПИЯСИЗ ҚОЛГАН ШАҲАР

Гап шундаки, 1992 йили Христофор Колумб Американи очганига 500 йил тўларди. Колумб шарафига номланган АҚШдаги шаҳар – Колумбус (Коламбус) шу санани муносиб нишонлаш учун Олимпия ўйинларини ўтказиш тараддудига тушди ва 14 йил олдин ариза топшириб қўйди. Бироқ бу курашда унинг омади чопмади, тақдир ҳазилини қарангки, Колумб очган қитъа эмас, балки у сафарга отланган юрт Испаниянинг Барселона шаҳрида 1992 йилги Ёзги олимпия ўйинлари бўлиб ўтди.

### ХАТ ЁЗМАНГ, ТЕЛЕФОНДА СЎЗЛАШИНГ...

Инглиз телефон компанияси рекламасида шундай жумлалар битилганди: "Хат ёзманг, телефонда сўзлашинг – бу сизга **имло хатолар** қилмаслик имконини беради".

## БОШҚОТИРМА

**ЭНИГА:** **1.** Қадимги мунажжимлар бурчак ўлчаш асбоби. **4.** Д`Артаняннни ўйнаган актёр. **9.** Денгиз балиғи. **10.** Мотоцикл тури. **11.** Қадимги Қарши. **12.** Жанубий Америка чўли. **13.** Боксдаги тайм. **16.** Об дарёси ирмоғи. **18.** Уста-ҳунарманд иш қуроли. **19.** Тўғри ёзиш. **22.** "Энг хавфли 100 инвизив тур" – табиатга хавф солаётган ўсимлик ва ҳайвонлар "қора рўйхати"га киритилган қуш. **24.** Уран йўлдоши. **26.** Таянч-ҳаракат тизимлари бўйича шифокор. **29.** Ташаккур. **30.** Хўжа Насриддин. **31.** Боғбон қайчиси. **32.** Беруний асос солган фан. **33.** Композитор.

**БЎЙИГА:** **1.** Қадимги ҳинд адабий тили. **2.** Турк шоҳи. **3.** Африка давлати пойтахти. **5.** Экинларга ишлов бериш тури. **6.** "...нинг ўлими" (С.Айний). **7.** Етакчи, доҳий. **8.** Антик чўт. **14.** Футбол бўйича 1930 ва 1950 йилги жаҳон чемпиони. **15.** Тошкентдаги қадимги маҳаллалардан бири – Самарқанд ... **16.** АҚШ штати. **17.** Кавказдаги энг йирик шаҳарлардан бири. **20.** Австралия аборигенлари қуроли. **21.** Ҳазрат Алининг шамшири. **23.** Кандидат. **25.** Бу Африка мамлакатининг пойтахти Кигали шаҳри. **26.** Хоразмшоҳ ... (1127–1156 йиллар). **27.** "...лотто" – юртимизда ўйналаётган лотерея. **28.** Аниқликни талаб қилувчи енгил спорт тури.




xabar.uz Сунъий интеллект биринчи бор тест синовларида инсонни ортда қолдирди.

# ВАТАН ПОСБОНЛАРИГА ЭҲТИРОМ

*Юртимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш – Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим йўналишлардан бири деб белгиланиб, мамлакатимиз Мудофаа доктринаси шаффофлик хусусиятига эга бўлди*

Ўтган жума куни Аҳмад Фарғоний номидаги АКМда Қуролли Кучларимизнинг 26 йиллиги ҳамда 14 январ – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан китобхонлар, "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиаллари ходимлари учун маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Президентимизнинг Хавфсизлик кенгаши мажлисидаги нутқи ҳаётимизга янгича мазмун-моҳият олиб кириб, ҳар бир хонадонни, ҳар битта ҳарбий оилани шодлик, розилик туйғулари билан нурлантириб юборди. Юртимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш – Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим йўналишлардан бири деб белгиланиб, мамлакатимиз Мудофаа доктринаси шаффофлик хусусиятига эга бўлди. Миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишларнинг аҳамиятини тасаввур этиш қийин эмас, албатта. Қўшинларда кадрлар маҳорати, қўшинларни замонавий қурол-яроғ билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларининг янги босқичга кўтарилиши, ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юртларигача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ноёб тизими яратилмоқдаки, буларнинг ҳаммаси халқимиз томонидан қўллаб-қувватлаб кутиб олинди. Шарқий ҳарбий округ вакили, капитан Руслан Сеитов ўз сўзида ана шуларга қисқача тўхталди.

Лейтенант Бобомурод Астонақулов мамлакатимиз ҳудудларида ҳарбийлар учун 28та уй-жой қурилгани, 522 нафар ҳарбий хизматчилар оилалари замонавий уйларда яшаётгани, яна 720 нафар ҳарбий хизматчи янги уйларга кўчиши, бу ишлар узлуксиз давом эттирилиши тўғрисида мамнуният билан сўзлади. Тадбир иштирокчилари Юртбошимизнинг Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмга ташрифидан олган таассуротлари, ватанпарварлик ойлиги мобайнида қисмлардаги "Очиқ эшиклар куни", Фарғона шаҳрида ва барча шаҳар ва туманларда ташкил этилган "Армия ва ёшлар" фестивали, ҳарбий қурол-яроғлар кўргазмалари ва аскарларнинг спорт чиқишлари, саф-саф бўлиб мағрур қадам ташлашлари — бари-бари шу азиз Ватанга муҳаббат ҳисларини жўш урдирганидан, кўплар ўз тақдирини ҳарбийлик билан боғлаганидан тўлқинланиб сўзлаб, шундай тадбирлар фақат ватанпарварлик ойлигида эмас, тез-тез ташкил этиб турилса эди, дея ўз истакларини билдирдилар.

Ҳаваскор санъаткор Шоҳруҳ Ҳакимов ҳарбийларнинг қўшиқларини юқори мақомда куйлаб тадбирга ўзгача сурур бахш этди.

Тадбир якунида АКМ директори Шоҳидбек Аслонов меҳмонларга қимматбаҳо совғалар — китоблар тақдим этди.

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,**
**"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири**

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да 14 январ – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ва Зангиота тумани маҳаллий Кенгаши билан ҳамкорликда маърифий тадбир ташкил этилди.

"Тинчлигингта жоним фидо – муқаддас Ватан" мавзуида ўтказилган ушбу маънавий-маърифий тадбирда фаол спортчи ёшлар, халқимиз ардоғидаги санъаткорлардан Ўзбекистон халқ артисти Ражаб Адашев, Ўзбек миллий академик драма театри актрисалари Ўзбекистон халқ артисти Малика Иброҳимова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри актёри Нурбек Маматов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Зикрилла Неъмат ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ҳуқуқий бўлими бош мутахассиси Шарофиддин Хонимовлар иштирок этишди.

Санъаткорлар ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрами билан табриклаб, ўзларининг самимий тилакларини билдиришди. Айниқса, улар ижросидаги спектакллардан парчалар, Нурбек Маматов ижросидаги тақлид санъатидан намуналар ва ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар ҳарбий хизматчи ҳамда аскарларга завқ-шавқ бағишлади.

Тадбирда ташкилий масала ҳам кўрилди. Ферузбек Неъматов ҳарбий қисм ёшлар етакчиси этиб сайланди.

**Ўз мухбиримиз**





МАЪРИФАТ ДАРСИ

## ЯНГИ МУДОФАА ДОКТРИНАСИ

Давлат фелдъегерлик хизматида бўлиб ўтган навбатдаги маърифат дарсида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгаши кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида сўзлаган нутқи ҳамда янги қабул қилинган Мудофаа доктринаси ҳақида фикр юритилди. Бу ҳақда бошқарма бошлиғи полковник Ф.Аднаев маъруза қилди.

— Йиғилиш давомида мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди. Мазкур ҳисоботлар ва ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, — деди бошқарма бошлиғи, — кейинги йилларда анча жиддий, тизимли муаммолар йиғилиб қолган. Булар – кадрлар билан боғлиқ, шунингдек қўшинларни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тааллуқли муаммолардир. Ана шу ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда мамлакатимизнинг ҳарбий қурилиши ва Қуролли Кучларни ривожлантириш бўйича асосий йўналиш ва замонавий ёндашувлар акс эттирилган.

Президентимиз Хавфсизлик кенгаши йиғилишида кўрсатиб ўтган масалаларга барчамиз масъулият билан ёндашиб, тўғри хулоса чиқарайлик. Ҳар биримиз давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшайлик.

**Ўз мухбиримиз**

ҚОНУНЧИЛИКНИ ЎРГАНАМИЗ

# ХОДИМ ҚОНУНЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ПУХТА БИЛИШИ КЕРАК

*Қонунларни пухта билишга бўлган қизиқиш ходимларнинг кетма-кет берилган саволларида намоён бўлди*

"UNICON.UZ" давлат унитар корхонасида ўтказилаётган маънавият соатларига таниқли ҳуқуқшунослар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ёзувчи ва шоирларни таклиф этиш анъанага айланган.

"UNICON.UZ"да бўлиб ўтган навбатдаги ана шундай маънавият соатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларидан Қувондиқ Жуманиёзов, Шуҳрат Турсунбоев, Дилфуза Жалилова ҳамда Элдор Туляковлар таклиф этилди.

Улар "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2017 йил 29 декабрда қабул қилинган, "Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2017 йил 30 декабрда қабул қилинган ҳамда "Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳақида фикр юритишди.

Қонунларни пухта билишга бўлган қизиқиш ходимларнинг кетма-кет берилган саволларида намоён бўлди. Корхона ҳуқуқшуноси Дониёр Солиевнинг бюджет маблағларининг қай ҳолатда тақсимланиши, бу йилги бюджет маблағининг кўпроқ қисми қайси соҳага йўналтирилиши, "UNICON. SOFT" масъулияти чекланган жамияти департамент бошлиғи Ҳусанбой Рустамов ва бошқаларнинг юқоридаги мавзуларга оид саволларига депутатлар батафсил жавоб беришди.

**Муборак МИРКАМОЛОВА,**
**"Xabar" мухбири**


Самарқанд ва Қашқадарёда сайёҳлик объектларига QR-кодлар ўрнатилиши бошланди.

## ТАРИХГА АЙЛАНГАН САНАЛАР

### 22 ЯНВАР

**1889** Вашингтонда дунёдаги илк овоз ёзувчи фирмалардан бири — The Columbia Phonograph Company ташкил топди.

### 23 ЯНВАР

**1849** Конверт ишлаб чиқарувчи машинага патент берилди.

### 24 ЯНВАР

**1984** Apple Macintosh — дунёдаги илк шахсий компютер чиқарилди.

### 25 ЯНВАР

**1915** Ихтирочи Александр Белл биринчи трансамерика телефон алоқаси сеансини (Нью-Йорк — Сан-Франциско) ўтказди.

**1955** Колумбия университети олимлари ҳар 300 йилда 1 сонияга адашувчи ядро соатини ихтиро қилишди.

### 27 ЯНВАР

**1879** Томас Эдисон электр лампочкаси учун патент олди.

**1926** Шотландиялик ихтирочи Жон Бэрд тасвирни узатишнинг механик тизимига асосланган телевизорни намойиш қилди.

**1948** АҚШда магнитофонлар сотувга чиқди (Wire Recording, $149)

## КОМПЮТЕРЛАР

### Gartner: бозор яна сустлашди

Компаниянинг маълумот беришича, 2017 йилнинг охирги чорагида глобал бозорда 71,6 миллионта компютер сотилган, бу бир йил илгариги кўрсаткичдан 2 фоизга камдир.

Йил давомида жами 262,5 млн. дона компютер етказиб берилган, бу борада йиллик йўқотиш 2,8 фоизни ташкил этган.

**Жаҳон компютер бозори етакчилари**

| Вендор | 2017 йил IV чорак | | 2016 йил IV чорак | | Ўсиш % |
|---|---|---|---|---|---|
| | Етказиб бериш | Улуши % | Етказиб бериш | Улуши % | |
| HP Inc. | 16076 | 22,5 | 15084 | 20,7 | 6,6 |
| Lenovo | 15742 | 22,0 | 15857 | 21,7 | -0,7 |
| Dell | 10841 | 15,2 | 10767 | 14,7 | 0,7 |
| Apple | 5449 | 7,6 | 5374 | 7,4 | 1,4 |
| Asus | 4731 | 6,6 | 5336 | 7,3 | -11,3 |
| Acer | 4726 | 6,6 | 4998 | 6,8 | -5,4 |
| Бошқалар | 13990 | 19,6 | 15599 | 21,4 | -10,3 |
| **Жами** | **71556** | **100,0** | **73015** | **100,0** | **-2,0** |

## ТЕХНОЛОГИЯЛАР

### Google дисплейни спикерга айлантирувчи технологияни қўлга киритди

Бу Кембриждан чиққан Redux стартапига тегишли технологиядир. Ҳозирча шартнома қиймати номаълум — Google компанияси буни ошкор қилмади. Бизга фақат ўтган йил март ойида Redux 5 млн. доллар инвестиция олгани унинг LinkedIn ижтимоий тармоғидаги саҳифаси орқали маълум. Бу компаниянинг интеллектуал мулки 178 патент билан мустаҳкамланган.

Redux технологияси Google смартфонлари ва интеллектуал спикерларида овоз сифатини янада яхшилашга хизмат қилиши кутилмоқда.

## ХАВФСИЗЛИК

### "Гознак" янги купюраларнинг ҳақиқийлигини текширувчи илова чиқарди

Россиянинг "Гознак" акциядорлик жамияти мобил қурилмалар учун чиқарган "Банкноты-2017" иловаси 200 ва 2000 номиналдаги янги банкнотларни текширишга мўлжалланган.

Айтилишича, аксарият россияликлар янги банкнотларнинг ташқи кўринишига ҳали кўникишмаган, яъни ҳақиқийси билан қалбакисини фарқлай олишмайди. Илова айнан улар учун мўлжалланган.

## СУПЕРКОМПЮТЕРЛАР



### Дунёдаги энг зўр метео хизмат

"Росгидромет" раҳбари Максим Яковенко "Коммерсант" газетасига берган интервюсида об-ҳаво маълумотларини аниқлашда рус компютерлари хориж метео хизматлари компютерларидан бир неча карра суст ишлашини билдирди.

"Об-ҳаво қандай бўлишини аниқ айтиб беришда, биринчи омил, аввало сизнинг кузатув базангиз бўлиб, маълумотларни қай тариқа йиғишингиз муҳим рол ўйнайди. Иккинчи омил айнан компютерлар — сиз бу маълумотларни қанчалик тез ҳисоблашингиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади", — дейди Яковенко.

Айни пайтда россияликлар 0,3 петафлопслик компютер тизимини 1,3 петафлопслисига алмаштириш арафасидалар. Шу ҳам уларнинг хориждаги ҳамкасбларига етиб олишлари учун кифоя қилмайди. Масалан, энг зўр суперкомпютер британиялик метеорологлар хизматида — 16 петафлопс. Швейцария ва Францияда 6 петафлопслик, АҚШ ва Хитойда 4 петафлопслик компютер тизимлари ишлатиляпти.

**С.ТЕМИРОВ тайёрлади**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

### Қозоғистон-АҚШ: 7 млрд. долларлик шартномалар имзоланди

Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев 16 январ куни расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлиб, АҚШ президенти билан учрашди.

Ташриф доирасида 20дан ортиқ икки томонлама битимлар имзоланган. Улар инвестицион ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида бўлиб, авиация ва космик тадқиқотлар, нефткимё ҳамда қишлоқ хўжалиги, шунингдек, инфратузилмавий ривожланиш соҳаларида қарийб 7 млрд. долларлик лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган. Бундан ташқари, давлат ҳаво кемаларига аэронавигация хизматларини кўрсатиш учун тўловдан воз кечиш, халқаро солиқ тартибини такомиллаштириш, Қозоғистон ҳудуди орқали тижорат темир йўл транзитини таъминлаш тўғрисида халқаро битимлар, шунингдек, Boeing, GE Transportation, GE Digital, Chevron, Air Astana компаниялари ўртасида шартномалар имзоланди.

### Туркия Афғонистонда яна бир мактаб қурди

Туркиянинг таълим соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланадиган Ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТIКА) Афғонистон шимолидаги Фарёб вилоятининг Қўрғон туманида жойлашган Сурх-Бозор қишлоғида икки қаватли бошланғич мактаб қурди ва уни барча зарур анжомлар билан таъминлади. Шу пайтгача Сурх-Бозордаги мактаб ижарага олинган, деразалари йўқ бир бинода жойлашган эди.

ТIКА лойиҳалари асосида Афғонистонда 100га яқин мактаб қурилган.

### Исроил бош вазири Ҳиндистондан нега норози?

Исроил бош вазири Бинямин Нетаняху 16 январ куни Ҳиндистонга олти кунлик ташриф билан келди. Нетаняху Ҳиндистоннинг Қуддус масаласида тутган позициясидан норозилигини маҳаллий матбуот орқали маълум қилди.

БМТ Бош ассамблеясида Ҳиндистон бошқа кўплаб мамлакатлар қатори Қуддуснинг Исроил пойтахти сифатида тан олинишидан норозилигини билдирди. Шанба куни эса юзлаб мусулмонлар пойтахт Нью-Делида Исроил бош вазирининг ташрифидан норозилик намойишини ўтказдилар. Улар Нетаняхунинг устига чизиқ тортилган портретларини кўтариб олдилар ва Исроил байроқларини ёқдилар.

Исроил бош вазири сўнгги 15 йилда илк бора Ҳиндистонга ташриф буюрмоқда. Охирги марта 2003 йилда Ариэл Шарон келган эди.

### Саудиялик шаҳзода озодликка чиқишга доир музокараларни бошлади

Саудия Арабистонида 2017 йилнинг ноябрида пул ўмариш ва ўз ваколатларини суиистеъмол қилишда айбланиб, Ал-Валид бин Талал ва яна ўн шаҳзода қўлга олинган эди. Бин Талал ўзига қўйилган айбловлардан сўнг мамлакат расмийлари билан озодликка чиқишга доир музокараларни бошлаган. Бироқ ҳукумат, хусусан, бош прокурор шаҳзода таклиф қилган суммага рози бўлмаган.

Шаҳзода Ал-Валид бин Талал Абдул Азиз ол Сауд Саудия Арабистонининг энг бадавлат кишиларидан бири. Bloomberg унинг молиявий ҳолатини 17,7 миллиард долларга баҳолаган. У Kingdom Holding Co компаниясини бошқаради.

Умуман олганда, кампания доирасида 60 шаҳзода ва давлат тузилмаси вакиллари ҳибсга олинган. СА ҳукумати коррупцияда гумон қилинган амалдорлар ва қироллик оиласи аъзоларидан 800 миллиард доллар мусодара қилмоқчи.

### Ироқни тиклаш учун ҳомийлар керак

ИШИД террорчилик ташкилотига қарши бўлиб ўтган урушдан сўнг Ироқ ҳукумати мамлакат иқтисодиёти ва инфратузилмасини тиклаш учун 2018 йил феврал ойида Қувайтда йиғилиш ўтказмоқчи. Ҳукумат расмий вакили Саад ал-Худсийнинг сўзларига кўра, мазкур анжуман 12-14 феврал кунлари ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг 70дан ортиқ фаол аъзоларига таклифномалар тарқатилган.

### Саҳрода чучук сув захираси

Абу-Дабидаги Лива саҳросида чучук сув билан тўлдирилган жаҳондаги энг йирик резервуар ташкил қилинди.

БАА пойтахтида бўлиб ўтган Abu Dhabi Sustainability Week экологик форумида маълум қилинишича, резервуар 80 метр чуқурликда жойлашган. У 315 қудуқдан иборат тармоқнинг бир бўлаги бўлиб, Шувайхатдаги чучуклаштириш станциясидан кунига 32 минг тонна сув келиб қуйилади. Ҳозирда у ерда санитария назоратидан ўтган 26 млн. куб метр чучук сув бор. Лойиҳага 435 миллион доллар маблағ сарфланди.



**У.ТОЖИБОЕВ тайёрлади**

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР РАҒБАТГА ЛОЙИҚ

***“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастури” доирасида жорий йил АКТ соҳасида кўплаб қилиниши зарур бўлган, амалга татбиқ этилиши кутилаётган илмий ишлар, инновацион ишланмалар турибди. Бу борада ёшларимизнинг ҳеч бир ташаббуси эътибордан четда қолмаслигини таъминлаш муҳим вазифа. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи Озод РАЖАБОВ билан айни шу мавзуда суҳбатлашдик.***



***— Озод ака, университет илмий ва илмий-тадқиқот бўлимлари (ИТБ) фаолияти ҳақида маълумот берсангиз. Уларнинг асосий мақсади нима?***

— Бўлимларнинг асосий мақсади — университет илмий-текшириш лабораториялари, гуруҳлари ва кафедраларига фундаментал, амалий-тадқиқот ишлари, инновацион лойиҳалар танловларида иштирок этишга ва хўжалик шартномаларини шакллантиришга ёрдам бериш ҳамда илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, маркетингини ўтказиш ва республика кўргазмаларида намойиш қилишга кўмаклашишдан иборат.

Жумладан, ИТБ фундаментал, амалий тадқиқот, инновация лойиҳалари ва хўжалик шартномаларини шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари билан ҳамкорлик қилади. Фундаментал, амалий тадқиқот, инновация лойиҳалари танловида кафедралар, илмий лаборатория ва гуруҳларининг фаол иштирокини таъминлаб, уларга кўмаклашади. Техник ва технологик асбоб ускуналар, қурилмалар, материаллар олиш учун тендер ҳужжатларини тайёрлаш, оралиқ-босқич ҳисоботлари бўйича Молия вазирлиги билан мунтазам молиялаштиришни таъминловчи чора-тадбирларни бажариш, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқаришга, ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича ахборотлар ва ҳисоботлар бўлишини таъминлаш, ихтиро ва техник-иқтисодий таҳлилларни амалга ошириш, халқаро ва республика миқёсидаги семинарлар ва конференцияларни ўтказишда қатнашиш ҳамда ташкилий ишларни амалга ошириш ва бошқа шу каби вазифаларни бажаради.

***— Ўтган йили қандай лойиҳалар, дастурий ишланмалар амалга оширилди?***

— 2017 йилда университет Илмий-техник дастурлари доирасида бешта фундаментал, 25та амалий, олтита инновацион иш олиб борилди ва бу борадаги ишлар ҳамон давом этмоқда.

***— Ҳозир-чи?***

— Университетда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар билан 24та хўжалик шартномаси тузилган. Шунингдек, университет JICA, KOICA, Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастури лойиҳасида иштирокчи сифатида қатнашмоқда.

***— Ташаббускор, иқтидорли талабалар билан ишлаш ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.***

— Улар билан ишлашда инновацион гуруҳлар ташкил этилиб, гуруҳларда Ўзбекистон тарихи, объектга мўлжалланган дастурлаш, замонавий менежмент муаммолари, чет тили, информатика ва ахборот технологиялари, телекоммуникация тармоқларида сигнализация тизимлари, рақамли коммутация тизимларининг амалий тизимлари, рақамли телевидение ва махсус фанлардан қўшимча дарслар ташкил қилинган. Иқтидорли талабаларни илмий раҳбарларга бириктириш йўли билан илмий изланишга жалб этиш юзасидан факултетларда ишлар олиб борилди. Ҳар бир иқтидорли талабага мутахассис кафедралардан профессор-ўқитувчилар бириктирилди.

Иқтидорли талабалар фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида INTV.UZ ижодий гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ университет интернет тармоғида медиа тарғибот ва ахборот таъминоти билан шуғулланиб келмоқда.

***— Ўтган йили Муҳамммад ал-Хоразмий фонди ташкил этилган эди. Ушбу фонд ҳақида батафсилроқ маълумот бериб ўтсангиз.***

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июндаги “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида

***2017 йилда университет Илмий-техник дастурлари доирасида бешта фундаментал, 25та амалий, олтита инновацион иш олиб борилди***

Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори университетда илмий-инновацион фаолиятни ривожлантиришда асосий омил бўлмоқда. Айни дамда жамғарма ҳисобидан университет моддий-техник базасини яхшилаш, ўқув лабораториялари ташкил этиш бўйича лойиҳалар олиб боріляпти.

***— АКТ соҳаси шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда ёшларга қайси дастурлаш йўналишлари маъқул, деб ҳисоблайсиз?***

— Ахборот технологиялари бугун тўхтов ва чегара нималигини буткул унутиб қўйди. Қандайдир инновацион янгилик бутун дунёга соатлар ичида тарқалиб кетмоқда. Дастурлаш тиллари ва йўналишлари ҳам АКТ билан ҳамжиҳатликда ўсиб боряпти. Аниқ бир йўналишни ёки дастурлаш тилини тавсия қилиш, менинг фикримча, мумкин эмас. Ёшларимиз, энг аввало, дастурлаш тиллари асоси бўлган аниқ фанларни мукаммал ўзлаштиришлари керак. Ушбу фанлардан мустаҳкам билимга эга инсон ҳар қандай дастурлаш тилини бемалол ўзлаштира олади. Бу борада Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг ташкил этилганлиги фикримизни асослаб беради.

***— АКТ соҳасига қизиқувчи ёшларга таклифларингиз.***

— 2018 йилда халқаро тажрибани, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, ахборот технологияларини ривожлантириш, ахборот технологиялари фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга “Мирзо Улуғбек инновация маркази” резидентлари бўлишларини тавсия этган бўлар эдим.

Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва миллий кадрлар тайёрлаш ишларини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корпорациялар билан тенглаша оладиган миллий операторларимиз ва дастурчиларимизнинг фаолиятини такомиллаштириш асосий мақсадимиз бўлиши ва шу мақсад йўлида ҳаракат қилишимиз керак.

***— Суҳбатингиз учун раҳмат!***

**Ғуломжон НАЗАРОВ**
**суҳбатлашди**

# Отабой РАҲИМОВ: ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЎЗИМИЗДА ҲАМ АМАЛГА ОШИРСА БЎЛАДИ

***Ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этишни мақсад қилган ҳар бир ташкилот малакали, интилувчан кадрлар тайёрлашга ҳаракат қилади***

“Ўзбекистон почтаси” АЖ раҳбар ходимлари учун Хоразм вилоятида “Умумий бошқарув ва тажриба алмашиш” мавзуида малака ошириш ўқув курси ташкил этилди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан почта соҳасида фаолият юритаётган раҳбарлар, “Корпоратив бошқарув” илмий-таълим маркази ўқитувчилари ва масъул ходимлар иштирок этишди.

Ўқув курсини очган “Ўзбекистон почтаси” АЖ бош директори Ш.Атамуҳамедов почта ходимлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

— Яқинда Корея Республикасига сафаримиз чоғида почта тизимига жорий этилган инновацияларни кўриб, ўзимизда ҳам бу жараёнларни татбиқ этиш зарурлигини ҳис қилдик. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этишни мақсад қилган ҳар бир ташкилот малакали, интилувчан кадрлар тайёрлашга ҳаракат қилади. Биз ҳам соҳага етук кадрларни тайёрлашимиз керак, — деди “Ўзбекистон почтаси” АЖ Хоразм филиали директори Отабой Раҳимов.

Малака ошириш курсида “Корпоратив бошқарув” илмий-таълим маркази катта ўқитувчиси М.Раҳимов маркетинг стратегиясининг моҳияти, молиявий стратегия ва тактика ўртасидаги асосий боғлиқликлар ва уларнинг тушунчалари ҳақида гапирди. Шунингдек, тадбирда малакали мутахассисларнинг менежер фаолияти, раҳбарлик масъулияти, бошқарув қарорларини шакллантириш каби қатор мавзулардаги маърузалари тингланди.

**Нилуфар ЖАББОРОВА,**
**“Xabar”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири**



Twitter фойдаланувчиларининг шахсий ёзишмаларини компания ходимлари ўқий олиши тасдиқланди.

# ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

## Шу йилнинг январ ойида бир қатор қонунлар қабул қилинди, айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида халқ ва унинг фаровонлиги ётади, шу маънода республикамизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳолига етказиш ва уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан унинг мақсади ва асосий вазифалари, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, асосий тушунчалар ва принциплари, умумий қоидалари, маъмурий иш юритиш тартиби, маъмурий ҳужжат, маъмурий шикоят бўйича иш юритиш тартиби белгилаб берилди.

*UZINFOCOM марказининг телеграм мессенжеридаги ZiyoNET (t.me/ziyonetofficial) My.gov.uz (t.me/MyGovUz) ва UZINFOCOM (t/me/UZINFOCOMofficial) каналларида юқоридаги қонун ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилди*

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада takомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 14 мартдаги қарори ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ролини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январда қабул қилинган "Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 15-сонли қарори билан фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.



Бундан ташқари, 2018 йил 9 январда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги, "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Меҳнат, Фуқаролик, Оила, Солиқ кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунига қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилди:

56-модданинг:

иккинчи қисмидаги "кимошди савдосида" деган сўзлар "электрон онлайн-аукционларда" деган сўзлар билан алмаштирилди;

учинчи — ўн тўртинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги учинчи — ўн учинчи қисмлар билан алмаштирилди:

"Автомототранспорт воситаларини, кўчмас мулкни, шу жумладан, ер участкасини, қурилиши тугалланмаган объектларни, кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқларини, ер участкасига нисбатан мулкий ҳуқуқларни, интеллектуал фаолият натижаларига ва хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга бўлган мулкий ҳуқуқларни реализация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли оператор томонидан электрон онлайн-аукционларда амалга оширилади.

Мол-мулк такрорий электрон онлайн-аукционларда реализация қилинмаганлиги муносабати билан ваколатли оператор томонидан қайтарилган тақдирда ёки такроран реализация қилиш учун савдо ташкилотларига топширилган бошқа мол-мулк ўттиз кун мобайнида реализация қилинмаган тақдирда, у мол-мулк нархининг 10 фоизига арзонлаштирилган нархда ундирувчига таклиф қилинади, давлат даромадига ижро ҳужжатлари бўйича ундириш қаратилган мол-мулк эса ушбу моддада белгиланган тартибда яна арзонлаштирилиши ва реализация қилишга топширилиши лозим. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича ушбу мол-мулк реализация қилинмаган тақдирда, давлат ижрочиси гаровга олувчига мол-мулкни такрорий аукцион шаклидаги кимошди савдоларидаги ёки савдо ташкилотларининг такрорий реализация қилишидаги бошланғич сотиш нархидан 10 фоизга камайтирилган суммада ўзида қолдиришни таклиф қилади".

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳолига етказиш ишлари эса ижро ҳокимиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида ҳам юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича алоҳида буйруқлар қабул қилиниб, буларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини вазирлик ва унинг тизимидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбар ва ходимларига етказиш бўйича зарур чоралар амалга оширилди, давра суҳбатлари ўтказиб борилмоқда.

Шунингдек, вазирлик тизимидаги UZINFOCOM марказининг телеграм мессенжеридаги ZiyoNET (t.me/ziyonetofficial) My.gov.uz (t.me/MyGovUz) ва UZINFOCOM (t/me/UZINFOCOMofficial) каналларида юқоридаги қонун ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилди.

**Рустам ХУРСАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги юридик бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди**

**ЭЪЛОНЛАР**

### Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади

**Доцентлар:**

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш кафедраси — 1, Алгоритмлаш ва математик моделлаштириш — 1, Мултимедиа технологиялари кафедраси — 1

**Катта ўқитувчилар:**

Телекоммуникация инжиниринги кафедраси — 1, Информатика асослари кафедраси — 1, Чет тиллари кафедраси — 1, АКТ соҳасида иқтисодиёт кафедраси — 1

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**

Телерадиоэшиттириш тизимлари кафедраси — 1, Чет тиллари кафедраси — 1, Гуманитар фанлар кафедраси — 1, Олий математика кафедраси — 1, Телестудия тизимлари ва иловалари кафедраси — 1, Электроника ва радиотехника кафедраси — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.



**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108.**
**Тел: 238-64-06.**

### "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди маълум қилади

"Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳисобрақамига 2018 йил 9 январда "Электромагнит мослашув маркази" ДУК томонидан 150 000,0 минг сўм Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-ф-сонли фармойишига асосан ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур ҳомийлик пули "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2015 йилда Сарвар Улуғбеков номига берилган 41618-15 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***Қашқадарё радиотелеузатиш маркази ва цех касаба уюшмаси қўмитаси жамоаси Кўксой телестанцияси бошлиғи Ўрол АВАЗОВни 55 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.***

## “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фондининг 2017 йил фаолияти тўғрисида ҲИСОБОТ

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди 2008 йили ташкил этилганидан буён соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган ҳомийлик ёрдами ҳисобидан фаолият юритиб келмоқда. Фонд 2017 йил давомида ўз фаолиятини тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларга биноан амалга оширди.

“IMPULS-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамоат фонди фаолиятини текшириш мобайнида корхонанинг барча молиявий фаолияти тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида эканлиги қайд этилди.

Жамоат фонди фаолияти бўйича белгиланган тартибда аудиторлик текширувидан ўтказилди ва унинг хулосасига кўра:

2017 йил смета харажатлари учун соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан беғараз молиявий ёрдам тариқасида жами 682 000,0 минг сўм маблағ жамоат фондининг ҳисобрақамига келиб тушди.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ва Алоқа тарихи музейининг 2017 йил учун даврий харажатлар тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида ишлатилди.

Жамоат фонди ҳамда музей фаолияти ва уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш учун жами сарф қилинган харажатлар эса 674 608,0 минг сўмни ташкил қилди. Бундан:
- меҳнатга ҳақ тўлаш фонди — 360 917,0 минг сўм;
- иш ҳақидан ҳисобланган тўловлар – 88 920,0 минг сўм;
- бошқа харажатлар – 150 771,0 минг сўм;

шу жумладан, соҳа музейларини ривожлантириш, такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш учун 74 000,0 минг сўм.

Аудитор ҳисоботида кўрсатилганидек, 2017 йил натижалари юзасидан жамоат фондининг молиявий ва хўжалик амалиёти бўйича ҳисоботлар тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида расмийлаштирилганлиги аниқланди.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ўз харажатларини Васийлик кенгаши раиси томонидан тасдиқланган смета харажатлари асосида амалга оширади.

Жамоат фонди ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, 2017 йил давомида амалга оширилган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

- жамоат фонди иштирокида соҳа фаолиятига доир 67та йирик матбуот анжумани, ўқув-семинар, тақдимотлар ва бошқа турли йиғилишлар юқори савияда ўтказилди.
- Алоқа тарихи музейи очилишидан то ҳозирги кунгача бўлган давр мобайнида музейга ташриф буюрувчилар сони 2017 йил якуни бўйича 115 мингдан ошди.
- жамоат фондининг 2017 йилги Режа-дастурида белгиланган барча ишлар амалга оширилди. Жамоат фонди ҳамда музей раҳбарияти ва ходимлари, шунингдек, соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан 14та янги экспозиция ташкил этилди, булардан айримлари қайта реконструкция қилинди.
- музейга ташриф буюрувчилар учун ўзбек ва рус тилларида экскурсиялар ташкил этиляпти.
- қайта реконструкция қилинган Хива Алоқа тарихи музейига доимий равишда амалий ва методик ёрдам берилмоқда.
- жамоат фондининг Хоразм, Фарғона ҳамда Тошкент вилоятларида ташкил этилган филиаллари раҳбарлари доимий равишда ҳар чорак якуни бўйича бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот тақдим этдилар.
- жамоат фондининг маъмурий харажатлари жами харажатлар суммасининг йигирма фоизидан ошмаган.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳар чорак якуни бўйича Васийлик кенгаши аъзоларига бажарилган ишлар, амалга оширилган чора-тадбирлар ҳамда сарфланган харажатлар тўғрисида маълумот бериб боради.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ўз Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги буйруқ ва фармойишларига асосан фаолият юритади.

**Жамоат фонди маъмурияти**

## "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

***2018 йилнинг 1 февралидан бошлаб телекоммуникациянинг қуйидаги айрим универсал хизматлари учун янги тарифлар амалга киритилишини маълум қилади:***

### Умумий фойдаланишдаги маҳаллий телефон тармоғи хизматлари учун тарифлар

| Хизмат турлари | Тўлов миқдори, сўмда | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар | | Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар | | Аҳоли | |
| | абонент тўлов тизими бўйича | вақтбай тўлов тизими бўйича | абонент тўлов тизими бўйича | вақтбай тўлов тизими бўйича | абонент тўлов тизими бўйича | вақтбай тўлов тизими бўйича |
| **Якка тартибда симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган асосий телефон аппаратидан фойдаланганлиги учун абонент тўлови** | | | | | | |
| шаҳар телефон тармоғида | 4100 | 3500 | 7200 | 5000 | 4000 | 3000 |
| **қишлоқ телефон тармоғида** | 2000 | 1400 | 5000 | 3100 | 2000 | 1350 |

### Республика ичидаги телеграф алоқаси хизматлари

| Хизмат турлари | Тўлов миқдори, сўмда | |
|---|---|---|
| | Корхоналар | Аҳоли |
| Телеграммадаги битта сўз учун тўлов | | |
| оддий | 216 | 88 |
| шошилинч | 440 | 440 |
| Телеграммаларнинг барча турлари ва тоифалари учун телеграф йиғимлари | 440 | 440 |

### Халқаро алоқа хизматлари тарифлари

| Хизмат турлари | Сўзлашувнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган дақиқаси учун тўлов миқдори, сўм |
|---|---|
| 1. Халқаро телефон алоқаси хизматлари | |
| Халқаро телефон сўзлашуви қуйидаги давлат абоненти билан амалга оширилганда | |
| **Марказий Осиё (Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон)** | 850 |
| **Кавказ (Арманистон, Озарбайжон, Грузия)** | 1060 |
| **Россия, Украина, Беларус, Молдова** | 935 |
| **Европа*** | 1940 |
| Осиё* | 2585 |
| Осиё (Баҳрайн, Малайзия, Саудия Арабистони, Сингапур, Туркия) | 2170 |
| **Африка ва Америка*** | 2150 |
| **Австралия*** | 2930 |
| **Халқаро йўлдош алоқа тармоқлари** | |
| Inmarsat (8701, 8708 кодлар) | 26000 |
| Inmarsat B (87030-87038 кодлар) | 8200 |
| **Хизмат турлари** | **Сўзлашувнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган дақиқаси учун тўлов миқдори, сўм** |
| Inmarsat AERO (8705 код) | 18700 |
| Inmarsat B HSD (87039 код) | 28400 |
| Inmarsat BGAN (87077 код) | 5400 |
| Inmarsat BGAN HSD (87078 код) | 26400 |
| Inmarsat GAN/FLEET/SWIFT HSD (87060; 87160; 87260; 87360; 87460 кодлар) | 26000 |
| Inmarsat M (87061-87069 кодлар) | 26000 |
| Inmarsat MINI M/GAN/FLEET/SWIFT (87076; 87176;87276; 87376; 87476 кодлар) | 4600 |
| Aeromobile (88298, 88299 кодлар) | 19000 |
| Seanet (88242 код) | 20200 |
| Thuraya (88216 код) | 8300 |
| Iridium (8816 код) | 18900 |
| Iridium (8817 код) | 19900 |
| 2. Телеграф алоқаси хизматлари | |
| Телеграммалар | |
| Марказий Осиё * | |
| оддий | 580 |
| шошилинч | 1160 |
| Россия, Украина, Беларус, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбайжон* | |
| оддий | 580 |
| шошилинч | 1160 |
| Европа * | |
| оддий | 1092 |
| шошилинч | 2184 |
| Осиё * | |
| оддий | 1092 |
| шошилинч | 2184 |
| Африка ва Америка * | |
| оддий | 1092 |
| шошилинч | 2184 |
| Австралия * | |
| оддий | 1092 |
| шошилинч | 2184 |

● муайян давлатларни тўловнинг у ёки бу тариф зонасига (масалан: Европа, Осиё ва бошқалар) киритилиши "Ўзбектелеком" АК томонидан амалга оширилади ва бу ҳақда телекоммуникация корхоналарини хабардор қилади.

Бошқа универсал хизматлар тарифлари олдинги ҳолида сақланган.

**ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!**

**Телефон тармоғига улаш учун рўйхатга олиш тўлови ва телефондан фойдаланишдаги тўловларга ўрнатилган имтиёзлар ўз кучини сақлаб қолади.**

**КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШНИ УНУТМАНГ!**

**Хизматлар лицензияланган.**

# МАЪНАВИЙ ТАРБИЯГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ баркамол, соғлом авлод тарбияси давлатимизнинг энг устувор вазифасига айланди. Маънавий баркамоллик ўз моҳияти билан ёшларнинг ички ва ташқи дунёси, иродаси, иймон-эътиқоди, виждонини бақувват ва уйғоқ қилувчи барча ижтимоий-маънавий омилларни ўз ичига олувчи ҳодиса ҳисобланади. Зеро, ёш авлоднинг тақдири унинг маънавий камолоти билан ўлчанади. Шунинг учун мазкур масала бугунги кунда нафақат таълим масканлари, балки жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳалла, ҳуқуқ-тартибот ҳамда соғлиқни сақлаш идораларининг бирламчи вазифаси бўлиб қолди.

> ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ ИШОНЧ ВА ҲУРМАТ ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНИШИ ЛОЗИМ. ШУНДАГИНА КУТИЛГАН МАҚСАДГА ЭРИШИЛАДИ.



Фарзанд тарбияси борасида Президент Ш.Мирзиёев Тошкент вилоятида бўлиб ўтган йиғилишда: "Ҳокимлар энди таълим ва маънавият билан машғул бўлади", — дея таъкидлади. Кўриниб турганидек, ҳоким, яъни раҳбар ўз ҳудудида маънавиятга, маърифий ҳаётга ҳомий бўлар экан, мазкур соҳада туб бурилишлар кутилиши, шубҳасиз.

Маънавий софлик ҳар бир фуқародан огоҳликни, дахлдорликни талаб қилади. Шундай экан, ҳар қандай салбий кўринишдаги ғоявий, ахлоқий таъсирга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш маънавий-маърифий, тарбиявий ишларимизнинг асосини ташкил этишини ҳис этиш зарур. Токи, ёшлар ҳар бир ахборотни билим ва ақл тарозисида тортиб, яхшисини қабул қилсин, ёмонини ўзи ҳам олмасин, бошқаларни ҳам ундан огоҳлантирсин.

Шунингдек, мамлакат раҳбари кўп бора такрорлаётган "ўз болангни ўзинг асра" ҳикмати ота-оналар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Уни юракдан ҳис қилиб, эътиборли бўлган катталар мамлакат равнақига хизмат қилган бўлади. Бинобарин, фарзанд тарбияси — ҳамманинг иши.

Ота-она болаларига берадиган ҳадялар, гўзал либослар, сархил ичимлигу егуликлар маънавият кўмагисиз зарарли одатлар урчишига хизмат қилиши мумкин. Чунки маънавият замирига қурилмаган ҳар қандай тарбия вайронкорлик томон юз буриши — ҳақиқий маънодаги таҳдидга айланиши табиий.

Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланиши лозим. Шундагина кутилган мақсадга эришилади.

Аслида, тарбиячининг ўзи кези келганда тарбияланувчи — ўрганувчи бўлиши талаб қилинади. Акс ҳолда, шарқ халқларига хос узлуксиз тарбия тизимига путур етади. Унга кўра, ҳар бир инсон — унинг ёши ва жинсидан, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар — тарбияланувчидир. Зеро, тарбия кўрган одамгина бошқаларга ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлади.

Демак, масала жиддий ва ўта долзарб. Тарбия масъулият ва жавобгарлик, қолаверса, омонатдорлик масаласидир. Омонатларимиз — азиз фарзандларимиз тарбиясига бефарқ бўлмайлик, Ватан олдидаги бурч ва масъулиятимизни бажаришда кечикмайлик!

**Мунира ҚАҲҲОРОВА,**
**Республика маънавият ва маърифат маркази илмий экспертиза бўлими бош мутахассиси**

---

## ТЎРТ ОЙ ИЧИДА 27,6 МЛРД. СЎМЛИК 1364ТА "ЧИРОЙЛИ" АВТОРАҚАМ СОТИЛДИ

Ўтган йилнинг сентябр ойидан avtoraqam.uzex.uz веб-сайти орқали автораҳамларни онлайн-аукцион орқали сотиш йўлга қўйилган эди.

"AVTORAQAM" тизими ишга тушган пайтдан бошлаб 2017 йилнинг охирига қадар "Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси" АЖнинг онлайн-аукциони орқали умумий қиймати 27,6 млрд. сўмлик 1364та "чиройли" авторақам жисмоний ва юридик шахсларга сотилди.

---

ТОП-5

# 2017 ЙИЛНИНГ ЭНГ ХАВФЛИ ВИРУСЛАРИ



Кибержиноятчилар ўтган йили 6,2 миллиарддан зиёд ҳужум уюштиришга уриниб кўрищди. Уларнинг айримларини, афсуски, бартараф этиб бўлмади. Global Threat Intelligence 2017 йилнинг энг хавфли ва асоратли киберҳужумлари "ТОП-5"лигини тузди.

**1.Petya**

Вирус борлиги март ойида аниқланди. У фойдаланувчининг файлларини бевосита шифрламасди, балки файлларнинг дискдаги жойлашуви, ҳажми ва номи ҳақидаги ахборотни сақлашда NTFS дисклар ишлатувчи бош файл жадвалини шифрларди. "Петя" амалий тизим юкловчисини ўз зарарли кодига алмаштириб қўярди. Шу тариқа зарарланган компютер юклана олмасди. "Петя" маъмур ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳам бор имкониятини ишга соларди.

**2.NotPetya**

NotPetya "солиқ амалий тизими" янгиланмаси сифатида компютерларга жойлашиб олди. У "Петя"нинг янгича кўриниши эди. Фарқи, у энди WannaCry ишлатган зарарли коддан фойдаланарди. Унинг ҳужумлари мамлакатлар инфратузилмасини ишдан чиқаришга қаратилганди: банклар, супермаркетлар, аэропортлар нишонга олинди. Умумий ҳисобда қарийб 150 мамлакатдаги компютерларга зарар етказилган.

**3.WannaCry**

Спам-хабарлар орқали тарқалувчи вирус. "Зарарли хат" ишга таклиф, тўлов қоғозлари ва zip-архивлар ниқоби остида яширин бўларди. Бу хат очилгач компютерни зарарлар ва жабрланувчидан товон талаб қиларди.

**4. Locky**

Locky — бу электрон почта орқали фишинг ҳужуми. Гербалайф хатлари, Amazon ҳисоблари ва ҳоказо кўринишлардаги бу хатлар ичи зарарли иловалар билан тўлиб-тошганди. Хакерлар фойдаланувчилардан 1дан 40 биткоингача талаб қилишарди. Кунига 20 миллионтагача спам-хабарлар йўлланган.

**5.Cerber**

Cerber компютер фойдаланувчиларининг пароллари ва криптовалюталарини ўмариш билан шуғулланган. У компютер маълумотларини шунчаки шифрлаб қолмасдан, автоматик захира нусхаларини ҳам ўчириб юборарди. У ҳам аксарият товламачи дастурларга ўхшаб жабрланувчилардан товон пулини биткоинларда ундириш пайида бўлган.

Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шерзод ШЕРМАТОВ (Ҳайъат раиси), Иброҳим ЖЎРАЕВ, Шуҳрат ҚОДИРОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Тўлқин ТЕШАБОЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

*Обуна индекси — 228.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Навбатчи: **Собит АҲАДОВ.**

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-143 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 8911 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 21.30.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари: Андижонда 226-47-80, Бухорода (0365)600-87-21, Жиззахда (94) 199-95-64, Наманганда (91) 353-71-25, Навоийда 225-91-10, Нукусда 554-35-45, Самарқандда (91)557-84-44, Термизда (91)235-88-68, Тошкентда 291-43-28, Урганчда (97) 211-65-05, Фарғонада 244-18-05, Қаршида (93)931-08-99

2 3 4 5 6